БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 182 (413)

13 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ИИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар (1-нчи бет).

Совет делегациясининг бошлиғи ўртоқ Н. А. Булганиннинг 10 сентябрьдаги баёноти (1-нчи бет).

Германия Федерал Республикасининг федерал Канцлери доктор К. Аденауэр зиёфат берди (2-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ К. Е. Ворошиловга, СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. А. Булганинга, СССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ В. М. Молотовга телеграмма (2-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **В. Ёқубов.**— Қишлоқ Советининг депутатлари пахта теримида (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **А. Олимжонов.**— Ҳикоя ва очерклардa ҳаёт тасвири (2-нчи бет).

Давлатга кўп ва юқори сифатли пахта топширайлик! (3-нчи бет).

М. Яҳ'ёев.—Шомаҳмудовлар оиласининг почтаси (3-нчи бет).

Ҳиндистон олимлари Совет Иттифоқида (4-нчи бет).

БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг мажлиси (4-нчи бет).

Белградда славяншуносларнинг халқаро конференцияси бўлади (4-нчи бет).

Четэл делегациялари Узбекистонда (4-нчи бет).

Касаба союз ташкилотлари ишларини янада юксак даражага кўтарайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг июль Пленуми партия ва барча жамоат ташкилотларини, бутун совет халқини социалистик саноатимизни янада юксалтиришнинг улуғвор программаси билан қуроллантирди. Пленум оғир индустрияни янада тезлик билан ривожлантириш учун халқ хўжалигида техника прогрессини узлуксиз равишда амалга ошириб бориш, мавжуд ишлабчиқариш резервларидан тўла фойдаланиш, омманинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда меҳнат унумининг кескин равишда кўтарилишига эришиш зарур эканлигини алоҳида уқдириб ўтди. Социалистик саноатни янада ривожлантириш соҳасидаги ана шундай биринчи даражали вазифаларни амалга ошириш учун курашда касаба союзларининг роли янада ортади.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорида саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш учун курашда саноат корхоналари касаба союз ташкилотлари, область ва республика комитетлари олдида турган муҳим вазифалар бирма-бир кўрсатиб берилган. «Касаба союзлар,—дейилади Пленум қарорида,—**меҳнатни нормаллаштириш ва иш ҳақи соҳасидаги камчиликларни зўр ғайрат билан йўқотишлари, ишчи ҳамда хизматчиларнинг меҳнати ва турмушига бюрократларча муносабатда бўлишга қарши қат'ий кураш олиб боришлари, коллектив шартномаларнинг хўжалик ташкилотлари томонидан бажарилишини та'минлашлари лозим».**

Совет касаба союз ташкилотларининг ишида социалистик мусобақани уюштириш, унга раҳбарлик қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Областимиз саноат корхоналарининг кўпгина касаба союз ташкилотлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини турмушга ошириш учун курашмоқдалар. Бунга мисол қилиб Тошкентдаги иккинчи автозавод касаба союз комитетини, Сталин номидаги Тошкент кўн заводи касаба союз комитетини, Оҳангарон шахта комитетини кўрсатиш мумкин. Улар омманинг ишлабчиқаришдаги жанговар ташкилотчиси сифатида ўз рольларини анча дуруст бажармоқдалар.

Иккинчи авторемонт заводи касаба союз комитети (раиси ўртоқ А. Сериков) социалистик мусобақани ташкил этишга, унинг оммавий бўлишига катта аҳамият бермоқда. Июль Пленумининг қароридан кейин завод комитети социалистик мусобақага раҳбарликни янада яхшилади. Ҳозир завод ишчиларининг 92 проценти индивидуал ва бригадалараро социалистик мусобақага жалб этилган. Ҳар ойда социалистик мусобақа натижалари якунланиб турилади. Завод «Ҳурмат тахта»си ва «Ҳурмат дафтари»да социалистик мусобақада голиб чиққан янги-янги кишиларнинг фамилияларини кўриш мумкин. Завод комитети ишчиларга олинган социалистик мажбуриятни бажаришда ёрдам беради, ишлабчиқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Новаторларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, барча ишчиларни илғорлар даражасига кўтариш учун кураш ҳамавақт завод комитетининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Илғорларнинг тажрибалари ишлабчиқариш кенгашларида, вақти-вақти билан ўтказилиб турилдиган «Меҳнат» сешанбаликларида муҳокама қилиниб борилмоқда ва ўрганилмоқда.

Лекин шу билан биргаликда, ҳали шундай касаба союз комитетлари борки, улар ўз ишларини КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарори асосида қайта қуришда сустқашлик кўрсатмоқдалар, социалистик мусобақага юзаки ва биртомонлама раҳбарлик қилмоқдалар, новаторлар тажрибасини оммалаштиришга а'тиборсизлик билан қарамоқдалар. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши ходимларининг республика касаба союз комитети (раиси ўртоқ Юнусов), озиқ-овқат моллари саноати ходимларининг республика комитети (раиси ўртоқ Раҳимов) ана шулар жумласидандир. Ўртоқ Юнусов область ва ҳатто пойтахт қурилиш ташкилотларида қилинаётган ишлар билан, қурилиш планининг қайдаражада бажарилаётганлиги билан, ишчиларнинг маданий-маиший аҳволи билан қизиқмайди. Социалистик мусобақа эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Республика комитетининг қуйи ташкилотлари қурувчиларнинг маданий ва маиший аҳволини яхшилаш масалаларига аҳамият бермаётирлар. Узбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги қурилиш планларини бажармай келаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам касаба союз комитетларининг фаолиятсизлик билан ишлаётганликларидадир.

Коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида давлат планларининг тўла ва оширилиб бажарилиши учун, меҳнат унумини тобора ошириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада юксалтириш учун ҳормай-толмай курашишлари керак. Социалистик мусобақани уюштириш—касаба союз комитетларининг жонажон ишидир. Социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текшириб бориш, илғор тажрибаларни ҳартомонлама умумлаштириш, янгиликни ишлабчиқаришга жорий қилиш, техника тараққиётининг қудратли манба'и бўлмиш рационализаторлар ва ихтиро'чиларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг қимматли таклифларини тезда амалга оширишни та'мин этиш—касаба союз ташкилотларининг биринчи даражали вазифасидир.

Ишчиларнинг малакаси ва маданий-техника савиясини юксак поғонага кўтариш техника тараққиётининг, меҳнат унумдорлиги ортишининг муҳим шартидир. Совет давлати кадрларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун кўплаб маблағ ажратмоқда. Касаба союз ташкилотлари ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ўқиши, ўз ихтисоси ва малакаларини оширишлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишлари керак.

Ишлабчиқаришдаги мавжуд резервларни ишга солиш катта аҳамиятга эга. Биринчи галда, ишлабчиқариш процессларини кенг миқ'ёсда комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техникани жорий этиш ва ишлаб турган ускуналарни модернизация қилиш иши билан мунтазам шуғулланиш, ишлабчиқаришни уюштириш ва унинг технологиясини такомиллаштириш зарур. Ғоят катта аҳамиятга эга бўлган бундай вазифаларни амалга оширишда касаба союз комитетлари иштирок этмай четда туришлари асло мумкин эмас.

Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий ҳаёти даражасини кўтариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш—касаба союз ташкилотларининг муқаддас бурчидир. Лекин, айрим касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг маиший турмуши билан қизиқмайдилар, маданий дам олишларини ташкил этиш ҳақида камдан-кам ўйлайдилар. Бунга дарҳол барҳам бериш керак. Уй-жой қурилишлари устидан контроль қилиб туриш, шифохона, коммунал-маиший ва болалар муассасаларининг ишида тартиб ўрнатиш чораларини кўриш, қишга тайёргарлик кўриш, меҳнаткашларни ўтин-кўмир билан та'минлаш масалалари касаба союз ташкилотларининг диққат марказида бўлиши керак. Коллектив шартномаларнинг тўла-тўкис бажарилиши ҳақида касаба союз ташкилотлари тинмай ғамхўрлик қилишлари керак.

Касаба союз ташкилотларининг кучи — партия раҳбарлигидадир. Касаба союз ташкилотларининг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бориш, уларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини ошириш, касаба союз ишларини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш — партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИДА

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахта йиғим-терими ва давлатга пахта топшириш юзасидан районлараро социалистик мусобақанинг шу йил 5 сентябрьдан 10 сентябрьгача бўлган давр ичидаги якунини кўриб чиқдилар ва область ижроия комитети ҳамда Ўзбекистон КП область комитетларининг кўчма Қизил байроғини **Пискент** районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Латипов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Усмонов**) беришга **қарор қилдилар.** Бу районда ўтган 5 кунликда йиллик пахта топшириш планининг 5,88 проценти миқдорида пахта тайёрланган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ИИЛ 12 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Пискент	1,26	9,56	Бекобод	0,56	4,21
Ховос	1,47	9,40	Гулистон	0,92	4,16
Оҳангарон	1,71	8,39	Янгийўл	0,59	4,14
Бўка	0,84	6,68	Мирзачўл	1,21	4,09
Ўртачирчиқ	0,77	5,64	Юқоричирчиқ	0,35	4,08
Оржоникидзе	0,89	5,08	Ўртасарой	0,87	4,07
Оққўрғон	0,71	5,01	Верхне-волинск	0,74	4,05
Сирдар'ё	0,70	4,85	Калинин	0,51	3,45
Октябрь	0,91	4,76	Чиноз	0,76	3,99
Боёвут	0,65	4,42	Қуйичирчиқ	0,26	1,90

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

10 сентябрьда, Москва вақти билан эрталаб соат 10 да Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияларининг иккинчи мажлиси бўлди.

Совет Делегацияси Бошлиғи Н. А. Булганиннинг таклифига мувофиқ, мажлисларда ҳар иккала делегациянинг Бошлиқлари навбат билан раислик қилади. Бугунги мажлисда Германия Федерал Республикасининг канцлери доктор К. Аденауэр раислик қилди.

Мажлисда Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасида бевосита дипломатия ва савдо муносабатлари, шунингдек маданий муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги масала ва ҳар иккала томонни қизиқтираётган бошқа масалаларни мухокама қилиш давом этди.

Мажлисда Совет Делегациясининг Бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин баёнот берди. Шундан кейин ГФР Делегациясининг Бошлиғи, канцлер К. Аденауэр ва ГФР Ташқи Ишлар Министри Г. фон Брентано сўзлади. Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов сўзлашдилар. Сўнгра ГФР Ташқи Ишлар Министрлигининг статс-секретари В. Хальштейн баёнот берди.

Мажлиснинг охирида умумий масалалар юзасидан делегациялар ўртасида фикр олишиш тамом бўлди, деб ҳисоблашга қарор берилди. Ҳар иккала мамлакатнинг Ташқи Ишлар Министрлигига икки ўртада бўлган фикр олишишни а'тиборга олиб, конкрет таклифларни тайёрлаш билан шуғулланиш топширилди.

Совет делегациясининг бошлиғи ўртоқ Н .А. Булганиннинг 1955 йил 10 сентябрьдаги баёноти

Кеча биз Федерал Канцлер К. Аденауэрнинг баёнотини эшитдик. Бу баёнот бизни муайян равишда қизиқтиради ва жиддий э'тибор беришга сазовордир. Канцлер жаноблари бу ерда бошланган музокараларнинг катта аҳамияти борлиги тўғрисида, шунингдек, шу музокаралар билан боғлиқ бўлган кийинчиликлар тўғрисида гапирди. Биз ҳам буни жуда яхши биламиз.

Аденауэр жаноблари бу музокараларни тўла очиқ кўнгилли руҳида олиб боришни истаганлигини айтди. Биз ҳам шундай ниятдамиз.

Европада янги уруш пайдо бўлиш хавфи билан боғлиқ бўлган хавотирликлар тўғрисида кеча айтилган гапларга қўшилмаслик мумкин эмас.

Совет халқи ҳозирги замон шароитидаги урушнинг нималигини яхши билади. У, ҳечкимга таҳдид қилмаган бўлса ҳам, биродарларнинг ерига кўз олайтирмаган бўлса ҳам ва ҳамма халқлар билан тинчликда яшашни ҳохлаган бўлса ҳам, шунга қарамай, яқиндагина бундай урушни бошидан кечирди. Улуғ Ватан урушининг тўрт йили мобайнида совет кишилари шундай кулфатларни бошларидан кечирдиларки, босқинчилар ва ҳарбий жиноятчилардан шунча кўп азоб-уқубат тортдиларки, бу ҳарбир совет оиласида ҳозир ҳам чуқур алам ва табиий норозилик ҳислари билан эсга олинмаслиги мумкин эмас.

Уруш Польша, Югославия ва Чехословакия халқларига, Франция ва Англия, Белгия ва Голландия халқларига оғир талофатлар ва вайронликлар келтирди. Бутун Европа халқлари иккинчи жаҳон урушини бошлаган герман милитаризмининг ва фашизмининг жиноятларини унутаолмайдилар ва унутмайдилар.

Герман халқи бошқача аҳволда бўлган эди, лекин оқибат натижада уруш герман халқи учун ҳам жуда катта қурбонлар ва кулфатлардан бошқа ҳечнарса келтирмади. Эндиликда, герман халқи ҳам совет халқи сингари урушга нафрат билан қарамоқда, деб ўйламоқ керак. Агар совет ва герман халқлари тўғрисида гапириладиган бўлса, ҳеч шубҳасиз шуни айтиш мумкинки, уларнинг ўйларида, ҳисларида бу жиҳатдан қараганда кўпгина умумийлик борлиги муқаррардир. Ҳарҳолда, улар янги урушга йўл қўйишни истамайдилар, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам биз, улар тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш учун бир-бирлари билан яқинлашмоқлари лозим, деб ўйлаймиз, зотан Европадаги ва Европадан бошқа жойлардаги халқларнинг ҳаммаси ҳам тинчлик ва хавфсизлик бўлишини истамоқдалар ва бундан манфаатдордирлар.

Биз кўнгилдаги гапни очиб ташлаймиз, деб ва'да бердик ва Сиз, Германия Федерал Республикасининг вакилларига шуни айтишимиз керакки, Совет Иттифоқи, уруш тамом бўлганидан кейин, герман халқининг бир қисми билан яхши, дўстона муносабатлар ўрнатди. СССР билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги бу муносабатлар ҳартомонлама ҳамкорлик қилишнинг мустаҳкам негизи асосида ўрнатилди, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик совет халқи учун ҳам, герман халқи учун ҳам манфаатли эканлигига шубҳаланмаймиз. Бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида бундан буён ҳам ривожлантирилаберади.

Совет Иттифоқи Германия Федерал Республикаси билан ҳам нормал муносабатлар ўрнатишни хоҳлайди. Бизнинг фикримизча, шу муносабатларнинг нормаллаштиришни чўзиб юборишни ҳозирги шароитда оқлайдиган жиддий важлар йўқ, бундай важларни қидирмоқ учун ҳарқанча ҳунар ишлатилса ҳам, барибир, улар топилмайди. Нормаллаштиришни бу тариқа чўзиб юбориш совет халқига ҳам, герман халқига ҳам манфаатли бўлмас эди. Тинчликка, тинчликни мустаҳкамлашга интилаётган ва урушнинг қандай ҳалокатлар ва офатлар келтиришини ҳақиқатан ҳам унутмаган ҳарбир киши, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштирмоқ зарур, деган фикрга қўшилади.

Ба'зан Ғарбий Германияда, Совет Иттифоқи билан зўравонлик позициясида туриб гаплашмоқ керак, деган гапларни айтмоқдалар. Биз бу хилдаги важлар тўғрисида истезо' билан гапирмаслигимиз мумкин эмас. Бундай важларни қалақа қилиб кулиш мумкин, холос. Совет Иттифоқининг қай тахлитда бўлганлиги ва ҳозирги вақтда қай тахлитда эканлиги бошқа ҳечкимга ма'лум бўлмаса ҳам герман вермахтига, Германияга, герман халқига ма'лумдир.

Зўравонлик позициясига таяниш сиёсати тўғрисида Ғарбий Германияда бўлаётган гап-сўзлар тўғрисида нима дейиш мумкин? Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари ҳам ўзлари учун етарли бўлмаган кишилар шундай гап-сўзларни айтаётган бўлсалар керак. Биз, шу музокараларда қатнашучилар, менинг фикримча, шундай фикрни ма'қуллаши мумкинки, бизларнинг бирортамиз шу хилдаги позицияда турганида эди, Москвада бошланган музокараларнинг ҳечбир ма'носи бўлмас эди.

Аденауэр жаноблари ўз баёнотида, Германия Федерал Реслубликаси Совет Иттифоқи билан муносабатларни нормаллаштирмоқ учун ҳечқандай, «дастлабки шартлар» қўяётгани йўқ, деб айтди. Совет делегацияси унинг бу гапини табриклайди. Бундай «дастлабки шартлар» қўйиш шу музокаралар бошланмасдан олдин бир-биримизга ёзган хатларимизда баён қилинган фикрларга зид бўлиб тушар эди. Бу, совет ва герман халқлари учун манфаатли бўлмас эди.

Федерал Канцлернинг нутқида алоҳида тилга олинган икки масалага келганда, шу масалаларнинг ҳарқайсиси устида Совет Ҳукуматининг нуқтаи назарини баён қилиб ўтиш зарур.

Ҳарбий асирлар масаласи.

Федерал Канцлер Аденауэр жаноблари ҳарбий асирлар масаласини биринчи масала қилиб қўйди. Бизнинг фикримизча, бунда очиқ кўриниб турган англашилмовчилик бор. Совет Иттифоқида ҳечқандай немис ҳарбий асирлари йўқ. Немис ҳарбий асирларининг ҳаммаси озод қилиниб ватанига жўнатилган. Совет Иттифоқида илгариги гитлерчилар армиясидан қолган ҳарбий жиноятчилар—совет халқига қарши, тинчлик ва инсониятга қарши алоҳида оғир жиноятлар қилганлиги учун совет суди томонидан ҳукм этилган жиноятчиларгина бор. Ҳақиқатан ҳам мана шундай жиноятчилардан бизнинг мамлакатимизда 1 сентябрьгача 9.626 киши қолган. Лекин булар — энг оддий — инсоний норма ва қоидаларга кўра жиноятчилар тариқасида қамоқда сақланиши лозим бўлган кишилардир. Улар одамгарчилик қиёфасини йўқотган кишилардир, улар хотин-қизларнинг номусига тажовуз қилган, ўт қўйиб куйдирган, хотин-қизларни, болаларни, кексаларни ўлдирган жиноятчилардир. Совет суди томонидан қилмишларига яраша жазоланганлар, уларнинг ҳарбий асирлар деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Совет халқи ўша жиноятчи унсурлар томонидан қилинган оғир жиноятларни, Киевдаги Бабьи Яр деган жойда 70 минг кишини отиб ўлдириш сингари жиноятларни унутиш мумкин эмас. Немис қамоқ лагерьларида отиб ўлдирилган, бўғиб ўлдирилган ва тириклай ўтга ёқиб куйдирилган миллион-миллион кишиларни унутишимиз мумкин эмас. Қийнаб ўлдирилган хотин-қизларнинг бошларидан юлиб олиниб, Майданек складларида уюб қўйилган тонна-тонна сочларни унутиш мумкинми, ахир. Биз, бу ерда ўтирганлар Майданекда бўлиб ўтган воқиаларнинг ҳаммасини ўзимиз кўрганмиз. Майданек ва Освенцим лагерьларида ҳеч гуноҳи бўлмаган беш ярим миллиондан кўпроқ киши ўлдирилган эди. Украин халқи Харьковда ҳалоқ қилинган, отиб ва бўғиб ўлдирилган ҳеч гуноҳсиз кўп минглаб кишини асло унутмайди. Мен Смоленскдаги, Краснодардаги, Ставропольдаги, Львовдаги, Полтавадаги, Новгороддаги, Орёлдаги, Ровнодаги, Каунасдаги, Ригадаги ва бошқа кўп жойлардаги қамоқ лагерьларини ҳам айтиб беришим мумкин, бу қамоқ лагерьларида бирнеча юз минглаб совет граждан-лари гитлерчилар томонидан қийноққа солиб ўлдирилган эди.

Ҳеч гуноҳсиз ўлдирилган, бўғиб ташланган, тириклайин кўмиб юборилган кишиларни унутиб бўлмайди, ўт қўйиб куйдирилган шаҳар ва қишлоқларни, ўлдирилган хотин-қизларни, ёш-яланғларни ва болаларни унутиб бўлмайди. Мен айтиб ўтган 9.626 киши эса мана шу муддиш жиноятларни қилган жиноятчи унсурлардир.

Мен яна бир нарсани айтиб ўтишни истар эдим. Бу ерда шу жиноятчилар масаласи муҳокама қилинадиган бўлса, у ҳолда шундай қилишга тўғри келадики, бу муҳокамада Германия Федерал Республикасининг вакиллари ҳам, шунингдек Германия Демократик Республикасининг вакиллари ҳам қатнашадиган бўлсин. Бу масала Германиянинг ҳар иккала қисмига таалуқли масаладир. Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегацияси ҳозирги шароитда шу масалани Германия Федерал Республикаси билан Германия Демократик Республикасининг вакиллари иштирок қилган ҳолда муҳокама қилишишини ўзи учун лозим бўладиган иш деб ҳисоблайди, деб ўйламаймиз. Шунинг учун ҳам очиқ-равшандирки, бу масалани ҳозирги музокараларда мавзу' қилиб олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Германияни қайта бирлаштириш масаласи.

Германияни қайта бирлаштириш проблемаси герман халқининг муҳим миллий вазифаси, деган фикрга тўла қўшиламиз. Германия бирбутун, тинчликсевар, демократик давлат бўлиб қайта бирлашсин деб Совет Ҳукумати муттасил талаб қилиб келди ва талаб қилмоқда. Германиянинг тинчликсевар ва демократик давлат бўлиб қайта қўшилишидан Совет Иттифоқи хавотирланмоқда деб айтаётган кишиларнинг гапларига ишонмаслигингизни Сиздан илтимос қиламиз. Канцлер жаноблари-нинг кечаги нутқида бу масалада айтган гапларидан бири муносабати билан биз изоҳ бериб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Париж битимлари ратификация қилинганидан бери ўтган вақт ичида Германиянинг миллий давлат бўлиб қайта бирлашуви йўлида шундай ғовлар пайдо бўлдики, бу ғовларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмаса бўлар эди. Агар биз шу гапни айтмасак, кўнглимиздаги очиқ гапни тўлиқ айтмаган бўлур эдик. Сизларга шу нарса яхши ма'лумки, Совет Иттифоқи Париж битимлари муҳокама қилинаётган даврда бу тўғрида неча марталаб огоҳлантириб ўтган эди. Париж битимларига биноан Германия Федерал Республикаси Шимолий Атлантик блоки ва Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқи сингари ҳарбий гуруҳларга қўшилди ва эндиликда Ғарбий Германия қайта ҳарбийлаштирмоқда. Шу нарса ҳечкимга сир эмаски, бу ҳарбий гуруҳлар Совет Иттифоқига ва Европадаги бошқа ба'зи тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган гуруҳлардир. Бу фактни ўша ҳарбий гуруҳлар мудофаа характеридаги гуруҳлардир деган гаплар билан рад қилиш мумкин эмас.

Совет Иттифоқи вужудга келган аҳвол билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Лекин шунга қарамай, биз вужудга келган қийин чиликларни бартараф қилиш имкониятларини қидирмоқдамиз ва Европадаги ҳарқандай ҳарбий гуруҳларга, жоқал астасекин бўлса ҳам, ҳотима бериш йўлини топишга интилмоқдамиз. Умумевропа коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклиф ана шу мақсадларга жавоб беради. Европадаги ҳарбий гуруҳларни тугатишга олиб келадиган Европа коллектив хавфсизлиги системасини вужудга келтириш йўлидан борилса, ҳозирги герман проблемасини, шу жумладан Германиянинг бирлигини қайта тиклаш вазифасини ҳам ҳал қилишнинг энг тўғри воситасини топиш мумкин.

Бу ерда, тўрт давлат герман проблемасини ҳал қилиш соҳасида ўз зиммаларига мажбуриятлар олиши деган гаплар айтилди. Бу гапларга қўшилмаслик мумкин эмас. Броқ, Совет Иттифоқи Германия масаласини, шу жумладан, Германияни қайта бирлаштириш вазифасини ҳам ҳал қилиш аввало немисларнинг ўзлари бажариши лозим бўлган иш деб, ҳозирги шароитда эса, бинобарин, Германия Федерал Республикаси билан Германия Демократик Республикасининг биргаликда куч ва ғайрат сарф қилиб ҳал этиши лозим бўлган иш, деб ҳамиша айтиб келди.

Ма'лумки, Германия Демократик Республикасида бу фикрни аҳолининг катта кўпчилиги ма'қулламоқда. Агар бундан Германия Федерал Республикаси бош тортадиган бўлса, бу нарса бутунлай тушиниб бўлмайдиган бир ҳол бўлур эди. Ҳарҳолда бизнинг фикримизча Германиянинг ҳар иккала қисмидаги немислар умумий тил топишлари, бир-бирлари билан учрашмоқ учун вақт топишлари мумкин, Германия проблемасини ҳал қилиш йўлида турган қийинчиликларни енгиб, бу проблемани ҳал қилишда биргалашиб олға бормоқ учун киришишлари мумкин.

Ўртамизда бўлган ҳозирги фикр олишув бутун герман проблемасини кўриб чиқишда ҳам, шунингдек, Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларни бевосита нормаллаштириш ишида ҳам фойда етказади, деб умид қиламиз.

Аденауэр жаноблари ўз баёнотининг охирги қисмида Федерал Ҳукумат СССР билан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатларни ўрнатиш масаласини муҳокама қилишга тайёр эканлигини та'кидлади. Броқ, у мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида, Бонида СССР элчихонасини ва Москвада Германия Федерал Республикаси элчихонасини та'сис этиш тўғрисида, шунингдек, элчилар айрибошлаш тўғрисида СССР Ҳукумати томонидан қилинган таклифга ўзининг муносабатини ҳали айтгани йўқ. Биз бу таклиф устида Германия Федерал Республикаси Ҳукуматининг фикрини ва жавобини билишни истар эдик.

Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегацияси СССР Иттифоқи Большой театрида

10 сентябрьда Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегацияси СССР Иттифоқи Большой театрида С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» балетини тамоша қилди.

Ложаларда Федерал Канцлер доктор К. Аденауэр ва делегация а'золари доктор Г. фон Брентано, доктор В. Хальштейн, доктор Г. Глобке, Г. Бланкенхорн, доктор В .Греве, доктор Г. Рейнхардт,доктор Г. ван Шерпенберг, доктор Г. фон Трютцшлер, Ф. фон Эккардт, доктор Э. Г. Мор, доктор фон Вальтер, доктор У. Мюллер, доктор Г. Кох, шунингдек делегацияга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар К. Арнольд, К. Г. Кизингир ва К. Шмид бор эди.

Спектаклни меҳмонлар билан бирга Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг а'золари — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, И. Г. Кабанов, В. С. Семеновлар ҳам тамоша қилдилар.

Тамоша залига Германия Федерал Республикаси ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари тикилган эди. Спектакль бошланиши олдидан Большой театр оркестри ГФР ва СССР Давлат гимнларини ижро этди. (ТАСС).

Германия Федерал Республикасининг федерал канцлери доктор К. Аденауэр зиёфат берди

11 сентябрьда Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациясининг бошлиғи федерал канцлер доктор К. Аденауэр шаҳар ташқарисидаги резиденцияда зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, ташқи савдо министри И. Г. Кабанов,СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико ва В. С. Семёнов, СССР ТИМ коллегиясининг а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР ТИМ 3-нчи Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапин, СССР ТИМ протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда ГФР ҳукумат делегациясининг а'золари — ташқи ишлар министри доктор Г. фон Брентано, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер Канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, Элчи Г. Бланкенхорн, министериальдиректор доктор В. Греве, Хўжалик министрлиги ташқи сиёсий бўлимининг раҳбари Г. Рейнхардт, Ташқи ишлар министрлиги савдо сиёсий бўлимининг раҳбари доктор Г. ван Шерпенберг, Элчи Ф. фон Экхардт, Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг бошлиғи Вакил доктор Э. Г. Мор, Вакил доктор Г. фон Вальтер, министриаль-дирижент доктор У. Мюллер, доктор Г. Кох, шунингдек Бундесрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Арнольд, Бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер ва бу комиссия раисининг ўринбосари К. Шмид ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида К. Аденауэр ва Н. А. Булганин нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА

СССР Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА

СССР Ташқи Ишлар Министри

ўртоқ В. М. МОЛОТОВГА

Вьетнам Демократик Республикаси э'лон қилинган куннинг 10 йиллиги муносабати блан бизга табрик телеграммаси юборган Сизга, ўртоқ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Сизга, ўртоқ Министрлар Советининг Раиси, Сизга ўртоқ Ташқи Ишлар Министри, ва бутун совет халқига Вьетнам Демократик Республикасининг халқи ва ҳукумати номидан самимий ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Вьетнам халқи мустақиллик учун кураш олиб борган даврда уни қўллаб-қувватлаганлиги учун ва уруш йилларида зарар кўрган экономикамиз ҳамда маданиятимизни тиклаш ва ривожлантиришда ҳозирги вақтда самимий ёрдам бераётганлиги учун вьетнам халқи совет халқидан бениҳоя миннатдордир. Беғараз ва олижаноблик блан кўрсатилаётган ана шу ёрдам вьетнам халқини Женева битимларини қат'ий бажариш учун, тинчликни мустаҳкамлаш ва бирликни амалга ошириш учун, бутун мамлакатнинг мустақиллиги ҳамда демократияси учун курашга илҳомлантиради.

Биз, совет халқининг Коммунистик Партия ва Совет Ҳукуматининг доно раҳбарлиги остида коммунизм қуриш ишида ва бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида янгидан-янги катта ғалабаларга эришувини астойдил истаймиз.

Сизларга чин кўнглимиздан сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ВДР Президенти ва Министрлар Советининг Раиси ХО ШИ МИН.

ВДР Ташқи Ишлар Министри ФАМ ВАН ДОНГ.

Польша Халқ Республикасига бағишланган виставка

КИЕВ, 11 сентябрь, (ТАСС). Украин сан'ати Киев давлат музейи биносида Польша Халқ Республикасига бағишланган виставка очилди. Бу виставка Польша Халқ Республикаси маданият ва сан'ат министрлиги ҳамда тасвирий сан'ат ва виставкалар марказий бошқармаси томонидан ташкил этилган.

Виставкани Украина ССР Маданият министрининг ўринбосари И. И. Мазепа очди. Сўнгра Польша Халқ Республикасининг Киевдаги консули П. Кергет сўзлади.

Виставканинг экспонатлари музейнинг олти залида жойлаштирилган. Экспозиция Польшанинг тарихий юксалишини кўрсатадиган материаллардан иборат бўлим блан бошланади. Польшани гитлерчи фашизмдан озод қилишда совет халқларининг ғоят катта роль ўйнаганлигига катта ўрин берилган. Бу ерда янги ҳаёт қуриш ишида Польша бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлик ролини тасвирлайдиган жуда кўп ҳужжатлар, Польшани иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда Совет Иттифоқининг бераётган ёрдамини кўрсатучи материаллар бор. Жуда кўп схема, диаграмма ва фотосуратлар кўмир, автомобиль, машинасозлик, кемасозлик саноатини, темирйўл транспортини, кемачиликни вужудга келтириш ва ривожлантиришни, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини кўрсатади.

Виставканинг қишлоқ хўжалигига бағишланган бўлимида меҳнатни механизациялаш, агробиология фани эришган энг янги ютуқларни жорий қилиш, дон ва техника экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишлари кўрсатилган.

Виставкада енгил саноат корхоналари ишлаб чиқарган буюмлар — пойафзал, газламалар, хрусталь, балиқ, гўшт, сут саноати корхоналари ва бошқа корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг намуналари қўйилган.



Тошкентдаги радиодеталь заводида трубаларни кесиш учун автомат ўрнатилди. Бунинг натижасида трубаларни тайёрлашда меҳнат унумдорлиги бирқанча баравар ошадиган бўлди. Автомат заводнинг ўзида тайёрланмоқда. **Суратда:** автомат ўрнатучи **Р. Т. Тўлаганов** иш устида.

А. Аверьянов фотоси.

БЎКА РАЙОНИДА

КОЛХОЗДА МЕҲМОНХОНА

Ленин номли колхоз правлениеси янги қурилган бинодан бир хонасини меҳмонхона учун ажратди. Бу хонага 9 та кровать қўйилиб, зарур ускуналар блан жиҳозланди. Шунингдек, Каганович номли колхозда ҳам меҳмонхона ташкил қилинди.

РАЙОН МАРКАЗИДА ИККИ ҚАВАТЛИ БИНО

Район марказида икки қаватли катта бино қад кўтарди. Бино хоналари буғ блан иситилади. Янги бинога район партия комитети жойлашди. Район марказида озиқ-овқат моллари блан савдо қиладиган магазин биноси қурилмоқда.

ЯККА ТАРТИБДА УЙ ҚУРУЧИЛАР УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ

Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг ижроия комитети якка тартибда уй-жой қуручилар учун 150 та участка ажратди. Ишчи-хизматчилар, медицина ходимлари районнинг генерал плани асосида кўпхонали уй қурмоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Репродукциялар виставкаси

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат сан'ат музейида машҳур Дрезден галлереясидаги суратлардан кўчириб олинган репродукциялар виставкаси очилди. Виставка шу галлерея асарларининг Германия Демократик Республикасига қайтиб бериш маросимига бағишланган. Виставкага 50 та суратдан олинган репродукция қўйилган.

Виставкада италияли рассомлардан Рафаэльнинг «Сикстин мадоннаси» ва Журжунанинг «Ухлаб ётган Венера» сингари асарлари томошабинларда ажойиб таассурот қолдиради. Машҳур немис сан'ат усталаридан Дюрер ва Гольбейнлар ишлаган портретлардан олинган репродукциялар ҳам бу ерга қўйилган. Испан рассомларидан Рибери, Веласкез ва Мурильо асарлари француз рассоми Лиотаранинг «Шоколадчи қиз» номли суратлари зўр маҳорат блан ишланган.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Қишлоқ Советининг депутатлари пахта теримида

Тўйтепа қишлоқ Совети Ўртачирчиқ районидаги энг йирик қишлоқ советларидан ҳисобланади. Унинг территориясига 5 колхоз, бирқанча мактаб, магазин, маданий-оқартув муассасалари жойлашган.

Қишлоқ Совети қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга кўп э'тибор бермоқда. Пахтачиликни ривожлантириш блан боғлиқ бўлган масалалар узлуксиз равишда ижроком йиғилишида, сессияларда муҳокама қилиниб турилади. Масалан, июнь ойининг охирларида ғўза парваришининг бориши юзасидан қишлоқ хўжалик доимий комиссияси раиси ўртоқ Карамат Исаеванинг доклади эшитилди. Масалани муҳокама қилиш вақтида Ленин номли колхознинг 77 гектар майдонидаги ғўзалар ривожланмай қолаётгани, ўртоқ Юнусхўжаев бошчилик қилаётган 9-нчи бригадада ғўза ёмон суғорилаётгани аниқланди. Карл Маркс номли колхознинг 1, 2 ва 3-нчи бригадаларида ғўзалар сувсираб қолган эди. Бундай кутилмаган аҳвол колхоз раҳбарларининг бригадаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга э'тибор бермай, ғўза парваришини сустлаштириб юборганликлари туфайли содир бўлган. Сессияда депутатлар колхоз раислари Зокиров ва Ҳолбеков ўртоқларни ана шундай хатоликларга йўл қўйиб келаётганликлари учун қаттиқ танқид қилдилар ва аҳволни дарҳол тузатишга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

Орқада қолаётган колхоз правлениеларига амалий ёрдам бериш мақсадида депутатлардан қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг а'золари Умри Йўлдошева, Юсуф Юнусов ва бошқа ўртоқлар юборилди. Улар жойлардаги аҳволни қандай қилиб тузатиш тўғрисида маслаҳат бердилар, камчиликларни битиришда бевосита ўзлари иштирок этдилар, сессия қарорининг бажарилишини текширдилар. Колхозларда иш анча яхшиланди. Бригадаларга қўшимча сувчилар белгиланди, ғўза парваришига меҳнатга яроқли барча колхозчилар жалб этилди. Ғўза парвариши масаласи июль ва август ойларида ижроия комитетининг йиғилишида муҳокама қилинди. Булар ҳам самарали натижалар берди.

Қишлоқ Советининг ташаббуси блан колхозчилар томонидан олинган мажбуриятнинг бажарилиши юзасидан колхозлар ўртасида ўзаро текшириш ўтказилди. Комиссияга депутатлар, қишлоқ советининг ходимлари, агроном ва механизаторлар кирдилар. Ўзаро текшириш натижалари бригада йиғилишларида муҳокама қилинди. Пахтакорларнинг э'тибори ғўзани тўғри парвариш қилишга, суғоришни моҳирлик блан олиб боришга қаратилди. Бирнеча кун ўтгандан кейин қишлоқ Советининг активи колхозларда ўзаро текшириш бригадалари томонидан қилинган таклиф ва кўрсатмаларнинг бажарилишини текширди.

Қишлоқ Совети колхозларда пахта йиғим-теримига ўз вақтида тайёргарлик кўрилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилди. Бу масала ҳам сессияда муҳокама қилинди. Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг а'золари колхозларда пахта теримига тайёргарликнинг боришини синчиклаб текширдилар. Натижада Хрушчев номли, ва Каганович номли колхозларда сушилка хўжалиги ремонт қилинмаганлиги, бригада ва звенолар хирмонларининг ҳаммаси тайёр эмаслиги аниқланди. Айрим бригадаларда иссиқ овқат ташкил этилмаган. Текшириш натижалари район ижроия комитетида муҳокама қилинди. Колхозларда тайёргарлик ишларини яхшилаш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ Совети район ижроия комитети қарорларининг бажарилиши устидан қат'ий контроль қилиб борди. Буларнинг ҳаммаси яхши натижалар берди. Колхозчилар йўлларни, кўприкларни ремонт қилиб қўйдилар, транспортларни тартибга келтирдилар, қанор ва этакларни етарли миқдорда тахт қилиб қўйдилар.

Ҳозир ҳамма колхозларда пахта терими қизғин бормоқда. Қишлоқ Советининг ҳамма 35 депутати пахта теримида фаол қатнашмоқда. Улар колхоз ишлабчиқаришининг муҳим участкаларида ишлаб, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Каганович номли колхоз биринчи звеносининг бошлиғи Абдуғани Машарипов, Сталин номли колхоз а'зоси Тўхта Шерматова шулар жумласидандир. Каганович номли колхозда пахта терими биринчи кундан бошлаб соатлик график бўйича амалга оширилмоқда. Норгул Ойдинова, Қутби Абдурасулева, Нури Туронова каби кўпгина теримчилар кунлик нормаларини 1,5—2 баравар бажармоқдалар. Депутатлар ана шу илғор теримчиларнинг иш тажрибасини бошқа колхозларда оммалаштирмоқдалар.

Депутатлар пахтакорларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилаш, уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар. Кўчма дўконлар ташкил этилди. Дала шийпонларида қишлоқ антечкалари бор, бу ерга врачлар тез-тез келиб турадилар. Дала шийпонларида болалар яслиси ташкил этилган.

Ҳозирги кунда кўпгина депутатлар колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Депутатлардан Зарифа Ғойибназарова, Икром Ҳакимов, Кабир Қосимов ўртоқлар пахтакорларга кундалик газеталарни ўқиб бериб, партиямиз томонидан пахтакорлар олдига қўйилган вазифаларни тушунтирмоқдалар, социалистик мусобақани уюштирмоқдалар. Қишлоқ Совети кенг актив оммаси блан яқиндан алоқа қилган ҳолда, уларга суяниб иш кўрмоқда. Қишлоқ Совети олдида турган хўжалик, маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда колхоз активлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Қишлоқ Совети ижрокомининг раиси Султон Жумақулов ва унинг ўринбосари Марк Пардаев ўртоқлар колхозларда тез-тез бўлиб турадилар, бевосита жойларнинг ўзида аҳвол блан танишадилар ва колхозларга амалий ёрдам берадилар. Бундан бирнеча кун илгари Марк Пардаев Карл Маркс номидаги колхозда бўлди. Усмон Жуматов бошчилигидаги олтинчи бригаданинг ишида бирқанча камчиликлар бор эканлигини, пахта териш ишлари юзасидан тузилиши зарур бўлган графикнинг йўқлигини аниқлади. Кўпгина колхозчилар теримга чиқмай, шахсий ишлари блан машғул бўлганлар. Ўртоқ Пардаев меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, ма'лум бўлган камчиликларни бартараф этишда бригада бошлиғи ўртоқ Жуматовга ёрдам берди.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, ҳали қишлоқ Советининг ишида камчиликлар ҳам бор. Сессияда депутатларнинг ҳаммаси қатнашмайдилар, ижроком йиғилишида эса камдан-кам бўладилар.

Қишлоқ Совети ва ижроия комитети ҳарбир депутатнинг Совет ишида актив иштирок этишига эришиши зарур. Ҳозир қишлоқ хўжалик доимий комиссияси пахта теримининг биринчи куни ҳақидаги масалани сессияда муҳокама қилишга тайёрлик кўрмоқда. Комиссия бу соҳада актив блан иш олиб бормоқда.

Қишлоқ Совети ўз қарорларининг бажарилиши устидан контроль ўрнатиши лозим. Кейинги вақтларда қишлоқ Совети қишлоқда маданий қурилиш масалалари юзасидан бирқатор қарорлар қабул қилди, лекин у қарорлар амалга оширилмаётир.

Қайд этиб ўтилган камчиликларни дарҳол бартараф этишда, оммавий-ташкилий ишларни жонлантириб юбориш ва терим кампаниясини қисқа муддатда намунали ўтказишда колхозчиларга ҳартомонлама ёрдам бериш тадбирларини кўришда депутатлар ташаббус кўрсатишлари керак.

В. ЁҚУБОВ.

Илғорлар методини оммалаштирайлик

Ўзбекистон касаба союзлар Совети КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорига амал қилиб, саноат корхоналарида илғорлар методини оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. Шу мақсадда жойларда касаба союзлар блан саноат ходимларининг қўшма йиғилишлари ўтмоқда.

Яқинда район партия кабинетида Узсовпроф блан Сталин район партия комитетининг биргаликдаги кенгаши ўтказилди. Кенгашда Узсовпрофнинг оммавий-ишлабчиқариш бўлими мудири ўртоқ С. Хачиев ишлабчиқариш новаторларининг иш методларини оммалаштириш юзасидан доклад қилди.

Доклоддан сўнг сўзга чиққан Сталин номли кўн заводининг бош инженери ўртоқ Ғани Мақсудов илғорларнинг ажойиб меҳнат намуналари ҳақида гапирди. — Кўн заводининг бригада бошлиғи ўртоқ Жўра Имомов Москвадаги «Париж коммунаси» пойафзал фабрикасининг новатори Анна Савельева методини ишлабчиқаришга жорий этмоқда. Анна Савельева тайёрлаган маҳсулотни техника контроли бўлимида бўладиган текширишдан олдин ишчиларнинг ўзлари томонидан контрольлик қилиш методини жорий қилди. Жўра Имомов ҳам шу метод асосида ишлаб, маҳсулотнинг сифатли бўлишига эришди. Бу эса илгариги контролёрлардан 2 кишини бошқа ишларга кўчириш имконини берди.

Кенгашда сўзга чиққан Сталин район партия комитетининг саноат ва транспорт бўлими мудири И. Ф. Ершов, Бўржар ГЭС сининг старший мастери Алексей Пляхов ўртоқлар ўз сўзларида Жўра Имомов методини райондаги барча саноат корхоналарида қўлланиш зарурлигини гапирдилар.

Кенгашга райондаги гўшт комбинати, 3-нчи нон заводи, «Узглаврасмасло» нинг механика заводи ва бошқа корхоналардан келган илғор ишчилар, партия ва совет ходимларидан 85 киши қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари корхоналардан ишчилар бригадаларини тажриба алмашиш учун мамлакатнинг бошқа корхоналарига юбориб туриш зарурлигини кўрсатдилар.

Ф. БЕРЧАНСКАЯ.

А. ТЎЛИБОЕВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Ҳикоя ва очеркларда ҳаёт тасвири

«Ҳикоя ва очерклар»[1] тўпламидаги ёзучи Раҳмат Файзийнинг «Гўзал» ҳикоясида рассом Мақсуд ўз-ўзига «Гўзаллик нима?» деган саволни беради ва ўйлаб шундай хулосага келади: «Рассом — ҳаётнинг бутун икир-чикирларини ипидан-игнасигача билиши керак. Бусиз бадиий асар яратиб бўлмайди-ку, ахир...»

Бу тўғри мулоҳаза. Социалистик реализм методи асосида ижод қилучи сан'аткор — ёзучи, шоир, рассом, композитор, артист ҳаётни чуқур билиши, уни бадиий образларда кўрсатиб бериши керак. Акс ҳолда, китобхонга биронта сан'ат асарини манзур қилиш қийин.

«Гўзал» ҳикоясининг қаҳрамони мулоҳазаларига қўшилиб, унинг фикрини тасдиқлаганимиз учун, тўпламдаги асарларга ҳам рассомнинг тўғри, ҳаққоний талаби асосида ёндашишга ва даставвал, шу ҳикоянинг қандай ёзилгани ҳақида фикр олишув ўринли бўлади.

Хўш, «Гўзал» ҳикояси қандай ёзилган, унда ҳаётни билиш талаби талаблигича қолганми? Ёки рассом ҳаётни чуқур ўрганишга интилгани учун ижодий муваффақиятга эришганми? деган савол туғилади. Бизнингча, ҳикояда авторнинг ҳам, Мақсуд каби ёш рассомнинг ҳам нияти ниятлигича қолган. Рассом Мақсуд Мансуров образида ҳаётнинг «икир-чикирларини ипидан-игнасигача билиш»ни шиор қилиб олган, аммо уни амалга оширмаган сан'аткорларнинг типи, я'ни ёзучининг ижодий фикрларига зид равишда, шундай тип пайдо бўлиб қолган.

Тажрибали рассом Назаров бадиий совет мажлисида Мақсуднинг ишини танқид қилиб: «Расм ёрқин эмас, тутун орасидан кўриниб турганга ўхшайди. Автор ҳали ёш, у ҳаётни яхши билмайди» деганда фронтавик, комсомол, ёш мутахассис, танқид ва ўз-ўзини танқидни худди умрида биринчи марта эшитаётгандек чўчиб тушди, ҳатто «Ўша кечаси бамисоли ўт бўлиб ёнди, шипга тикилганича мижжа қоқмай тонг отдирди». Яхшики, авторнинг тасвирлашича, Мақсуд ўзининг устози Назаровдан қисқа вақт гина, жаҳл қилиб юриб сўнг унинг танқидидан хурсанд бўлган эмиш. Асарда Мақсуд уйидан нарига чиқмаган, ўзининг бирдан-бир танқидчиси, ишининг қадрловчи, баҳоловчи кишиси деб хотини Назмихонигина этироф этган киши типига айланиб қолган. Ёки, иккинчи бир фактни олайлик. Андижонли пахтакор қизлар рассом Мақсудга хат ёзиб, унга ҳаётдан, унинг тонг пайтидаги гўзал кўринишларидан ўрганишга, шундан сўнг ипакли газламаларга гул солишга да'ват этадилар. Бу—ёзучининг моҳирлик блан ўйлаб топган яхши адабий приёми.

Броқ, Мақсуд пахтакор қизларнинг маслаҳатини жон-дили блан қабул қилган бўлса ҳам, бу яхши маслаҳатларни амалга оширгани ҳикояда кўринмайди. Я'ни Мақсуд ҳаётий картиналарни чуқур ўрганиши натижасидагина ижодий муваффақиятларга эришганлиги ҳақидаги асосий ғоя ҳикояда очилмай қолган. Рассомнинг охирги расми ўзига ва хотинига ёқади, лекин бу ҳали кўпчиликка ёқади деган гап эмас-ку!

Мана шу жиҳатидан олганда Раҳмат Файзийнинг «Гўзал» ҳикояси гўзал, ҳаётий, бадиий асар бўлиб чиқмаган, балки авторнинг хаёлий мулоҳазаларининг йиғиндиси бўлиб қолган. Рассом Мақсуд сингари ёзучи ҳам ижодий муваффақиятсизликка учраган.

Тўпламда тажрибали прозаик Абдулла Қаҳҳорнинг «Картина» ҳикояси ҳам босилган. Уни дастлаб ўқиган китобхон автордаги ўткир юморни, ширали бадиий тилни, характерларнинг индивидуал тасвирини ҳис этади. Ҳикоядаги ёш режиссёр ва ёш шоир образлари киши кўз ўнгида яққол гавдаланади. Уларнинг янги колхоз қишлоғи ҳаётини синчиклаб ўрганишга интилганликлари моҳирлик блан чизиб берилган. Иккинчидан ҳикоя асосида енгил юмор — кулги ётади. Автор ҳаётни кечикиб бўлса ҳам ўрганишга киришган ижодкорларнинг кулгили аҳволини тасвирлайди. Улар колхозчилар турмушидан конфликтли воқиа ахтарадилар: механизацияга қарши чиқучилар блан унинг тарафдорлари орасидаги курашдан бадиий картина яратиш учун воқиа ҳодисасини кузатиб эмас, бировлардан эшитиб-билиб олмоқчи бўладилар ва кулгили вазиятда қоладилар.

Китобхон ҳикоянинг худди шу ерига гача завқ блан ўқиб келади, лекин икки сан'аткорга колхоз раҳбарларининг: бизда механизацияга қарши кишилар йўқ, бу ўттизинчи йиллар учун хос воқиа, деб берган жавоблари ўқучини ўйлатиб қўяди. Наҳотки, ҳозирда ҳам механизацияга бепарво қаровчи, ғўзани трактор блан культивация қилишдан, от культивациясини, пахтани машина блан теришдан кўра қўлда теришни афзал кўрган айрим кишилар, ҳатто колхоз, район раҳбарлари бўлмаса?

Ҳаётимизда бундай салбий фактлар оз бўлса ҳам учрайди. Бундай кишиларни бадиий адабиётда фош этиш, уларга зарба бериш, типиклаштириб тасвирлаш реалистик сан'атнинг бурчидир. Ана шундай мулоҳазалар «Картина» ҳикоясида тасвирланган воқиа-ҳодисалар бошидан-охиригача ҳаётийдир, деб айтишга йўл қўймайди. Ҳикояда конфликтсизлик назариясининг озгина бўлса ҳам зарарли та'сири бор.

Кўзга кўриниб келаётган ёш прозаик Пиримқул Қодировнинг «Студентлар» ҳикоясида ўртача баҳолар блан ўқучи студент Ҳамидулла а'лочи йигит Латифжонга э'тироз билдириб: «Менимча одамга бирнеча томондан қараб баҳо бериш керак» дейди. Бу тўғри фикр. Аммо ҳикоянинг бош ижобий қаҳрамони Латифжон эса бу тўғри фикрга қўшилмайди, одамларга «юқоридан туриб» назар ташлайди. Шунинг учун ҳам унинг камтарлиги ҳақидаги авторнинг такидлашлари кишига сохта туйилади. Автор Латифжоннинг тилидан бундай дейди: Турғун «яхши йигит бўлганида ўқишининг ҳам мазаси бўларди», Турғуннинг «яхши ёки ёмон йигит эканлигини... унинг ўқиши кўрсатди» ва ҳоказо. Лекин бу нарса Турғуннинг ғайратли, ишчан, илғор киши бўлиб етишиши мумкин эмас, дейишга асос бўлмайди-ку, ахир! Ўқишда алоҳида намуна кўрсатаолмаса ҳам ишлабчиқаришда, колхоз ишида илғорлик кўрсатган совет йигит-қизлари ҳаётда озмунчами? Демак совет кишиларининг яхши фазилатларини ҳикоя автори та'кидлаганидек ўқишдаги баҳолар даражаси блан, балл асосида баҳолаб бўлмайди.

Латифжон образига футур етказган биринчи омил ҳам авторнинг кишилар характеридаги мураккабликнинг юзаки, бир томонлама тушунишидадир. Автор ёшлар ҳаётини, студентлар психологиясини чуқур ўрганмаганлиги натижасида Латифжонни Турғун ва Ҳамидуллаларга ўринсиз қарама-қарши қўяди, улар орасидаги конфликт сун'ий, образлар эса етарли типиклаштирилмаган.

Ҳикоядаги иккинчи катта нуқсон асар тилининг ғоятда ёмон ишланганлигидадир. Биринчидан, автор Ҳамидулла образининг тилидан бошқа ҳечқайси персонажнинг тилини индивидуаллаштирмаган. Иккинчидан, автор нутқида: «Мен расмиятчига ўхшайманми», «Расмиятчига ўхшаса ёмонми?», «Қишки сессияни ўрта баҳога топширган», «...ўйлари тўхтовсиз олдинга югирабошлади», «Бутун борлиғини ўзи сўзлаётган асарнинг таҳлили чулғаб олди» сингари ғализликлар бор. Модомики, бадиий асарнинг тили аниқ, равон ва содда бўлмас экан, бу ҳол унинг ғоявий-бадиий даражасини пастга тушириб юборади.

Тўпламда ғоявий-бадиий жиҳатдан яхши очерк, ҳикоялар ҳам кўп. Назир Сафаровнинг «Олияхон Султонова», Йўлдош Шамшаровнинг «Қоравой полвон нима дейди...» Салимжон Маҳкамовнинг «Илғорлик учун» очерклари, Асқад Мухторнинг «Доғ» Абдулла Қаҳҳорнинг «Ҳамқишлоқлар», Вячеслав Костирянинг «Чегарада», Михаил Шевердиннинг «Айиқ ўйини» ва Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Боқиев узр сўради» каби ҳикоялари ана шундай асарлардан ҳисобланади.

Бу асарлар тематик жиҳатидан хилма-хил бўлиб, ҳаётни ғоявий-бадиий жиҳатдан акс эттириши, образлар яратиш даражаси турличадир.

«Ҳамқишлоқлар» ҳикоясида ўз касбини севган, фидокорона меҳнати блан Ватан қудратини янада оширишга жазм қилган, Улуғ Коммунистик партияга ва халққа садоқатли инженер, врач, архитектор ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ажойиб образлари моҳирона чизиб берилади. Асарни ўқиган кишида бир қишлоқдан чиққан 11 совет мутахассиси блан фахрланиш туйғуси ошади. Ҳикоянинг ғоявий-бадиий ва тарбиявий аҳамияти ҳам ана шунда.

Ёш прозаик Ҳайитметовнинг «Боқиев узр сўради» ҳикоясида ҳам шундай ғоя илгари сурилади ва собиқ колхозчи ҳозир ветеринар врач Раҳимжоннинг ўз ишига мас'улиятни сезгани ҳолда муҳаббат блан қараши, қора молларнинг соғлом боқилиши учун жавобгарликни ҳис қилиши яхши кўрсатилган.

Колхоз омборчиси Боқиев ветврачнинг касбини камситади, аммо Раҳимжон бўш келмайди ва унга «Кўзга кўриниш учун ишлаш шарт эмас. Мен ўз олдимга мақсад қилиб кўзга кўринишни қўйганим йўқ. Колхозда фойдали иш блан шуғуланаётган бўлсам бас» деб жавоб беради.

Ҳикояда кишиларнинг характери яхши очилаборади, образлар тили индивидуаллаштирилиб, воқиа типиклаштирилиб тасвирланади. Масалан, касал молнинг тепасига етиб келган колхоз қассобининг хатти-ҳаракати, нутқига назар солинса авторнинг киши психологияси, характерини тасвирлашда маҳорат қозонганини кўрамиз.

—Ё товба қилдим! Мунақа касални ҳеч кўрганимиз йўқ эди. Қараб, туриб, гўштни харомга чиқармайлик тағин!

Абдурайимнинг бу ваҳимадор сўзлари орқали «рухсат беринглар сигирни сўйиб юборай!» деган қассобнинг фе'л-атвори реал чизиб берилган.

В. Костирянинг «Чегарада» ҳикоясида «физкультурачи» ниқоби остида Жанубий чегара районидаги амакисиникига «меҳмонга» келган жосуснинг колхозчи қиз Баҳри ва унинг отаси Содиқ ёрдамида чегарачилар қўлига тушиши реал картиналарда акс эттирилади. М. Шевердиннинг «Айиқ ўйини» ҳикоясида эса совет тузуми туфайли эксплуататорлар томонидан ўзбек ва тожик халқлари ўртасида вужудга келтирилган миллий низо'га барҳам берилиши, Улуғ Октябрь Социалистик революцияси намойишини биргаликда байрам қилиниши реалистик бўёқларда чизиб берилади.

Асқад Мухторнинг «Доғ», «Хайри» ҳикоялари ўтмишнинг ярамас қолдиқларига қарши қаратилган, ба'зи кишиларимиз онгидаги чиркин феодал-буржуа сарқитларини йўқотишга чақиручи, бадиий-ғоявий жиҳатдан етук асарлардир. «Доғ» ҳикоясида ҳечқаерда ишламай фисқ-фасод, игвогарлик блан шуғулланучи, мешчанка Салтанатхоннинг сатирик образи берилса, «Хайри» ҳикоясида анашундай «ҳаётда ортиқча кишилар» нинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, яра-доғининг олдини олишга чақириқ ғояси илгари сурилади.

Тўпламда ўзбек пахтакорлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари — агроном, тракторчи-механизатор ва қишлоқ маданий-оқартув муассасалари ходимларининг ҳаёти ҳамда меҳнатини тасвирловчи ҳикоялар кўпгина учрайди. Сами' Абдуқаҳҳорнинг тажрибали сувчи образини кўрсатиб беручи «Миртолиб ота» ҳикояси, бир-бирини севишган ёш тракторчиларнинг шахсий ҳаётдаги янги хусусиятларини, меҳнатдаги илғорликларини тасвирлаган Одил Ёқубовнинг «Баҳор кунларидан бирида» ҳикояси ана шулар жумласидандир.

Тўпламдаги бадиий очерклар ичида Назар Сафаровнинг «Олияхон Султонова» ҳақидаги очерки алоҳида ажралиб туради. Республикамиздаги машҳур ипакчи, пилла ҳосилидан рекорд қўйган новатор Олияхон Султонованинг ҳаёт йўли ва ватанпарварлик ташаббуси, тажрибаси очеркда тўла-тўкис ифодалаб берилган. Очеркнинг ғоявий-бадиий аҳамияти шундаки, унда ипак қурти боқишдаги эски усул, эскирган тажрибалар блан совет фани таклиф этган илғор усул ва тажрибалар тўқнашуви ишонарли, ҳаққоний кўрсатилган.

Раҳмат Файзийнинг «Соҳибкор», В. Рўзиматовнинг «Халқ бахти учун» очерклари ҳам республикамизнинг отоқли кишилари ҳаёти ва курашини тўғри кўрсатучи бадиий лавҳалардир.

«Ҳикоя ва очерклар» тўплами ташаббускорларининг яхши ишини та'кидлаб ўтиш зарур. Тўпловчи С. Анорбоев ва редактор Раҳмат Файзий ўртоқлар умуман ўқучиларга манзур бўладиган ҳикоя ва очеркларни танлай олганлар. Бу яхши, аммо айрим асарларни тўпламга киритишда авторлар олдига юқори талаблар қўймаганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, эндиги адабий тўпламларимизда социалистик ҳаёт тасвирини ғоявий-бадиий жиҳатдан етук, совет кишилари образини реалистик бўёқларда тасвирлаб беручи очерк ва ҳикояларни китобхонларимиз орзиқиб кутмоқда. Ўзбекистон совет ёзучилари союзи ва Ўзбекистон Давлат нашриёти буни, албатта, э'тиборга олади деб ишонамиз.

А. ОЛИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

[1] «Ҳикоя ва очерклар», Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, 1955 йил. Тўпловчи: **С. Анорбоев.** Редактор: **Р. Файзий.**

Давлатга кўп ва юқори сифатли пахта топширайлик!

* * *

Пахта териш машиналарини мавсумга тезда тайёрлайлик

Партия ва ҳукуматимиз пахта йиғим-теримини механизациялаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса ишчи кучи билан етарли даражада таъминланмаган колхозлар учун пахтани машина билан териш ғоят аҳамиятга эга. Маълумки, Бекобод, Пискент, Бўка ва бошқа бирқатор районларда кўпинча пахта терими вақтида кучга етишмай қолади. Аммо бу ҳол район партия, совет ташкилотлари ҳамда машина билан пахта теришни намунали ўтказишга даъват этилган МТС раҳбарларини унчалик ташвишлантирмаётир. Колхозларнинг раҳбарлари эса бу йил ҳам кўп умидни ҳашарчиларга боғлаб қўяётирлар. Улар пахтани машина билан теришга ниҳоят даражада қониқарсиз тайёрланмоқдалар.

Баъзи МТС раҳбарлари ҳеч сабабсиз машина билан пахта териш бўйича белгиланган планларни ўзбошимчалик қилиб камайтирмоқдалар. Бекобод районидаги 1-нчи ва 2-нчи ҳамда Пискент районидаги 1-нчи МТС ларнинг раҳбарлари (директорлари Икрамов, Ҳасанов ва Капатун ўртоқлар) ўз зоналаридаги колхозларнинг механизаторлар ёдамига муҳтож эканлигини ва бусиз пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказаолмасликларини яхши билсалар ҳам, пахтани машина билан териш планини камайтирганлар. Янгийўл районидаги 1-нчи ва 2-нчи, Оржоникидзе районидаги ва бошқа айрим МТС ларнинг раҳбарлари ҳам шундай хатога йўл қўйиб, пахтани машина билан териш планини барбод этишга уринаётирлар. Бу билан улар айрим қолоқ колхоз раҳбарларининг зарарли кайфиятини қўллаб-қувватлаётирлар.

Мавжуд техникадан тўла ва унумли фойдаланиш — МТС ларнинг йиғим-терим мавсумига пухта тайёрланишларига боғлиқ. Лекин бу ишда ҳали анча жиддий нуқсонлар бор.

Тайёргарлик юзасидан белгиланган барча муддатлар ўтиб кетаётганлигига қарамай, 13 сентябрьгача пахта териш машиналарининг 47 проценти теримга тахт қилинган, халос. Ремонтдан чиқарилган машиналарнинг кўпи қалитача 60 сантиметрли қатор оралиғига мослаб қайта ускуналанмаган. Айрим МТСларда иш янада ёмон аҳволда. Масалан Ховос районидаги 2-нчи МТС да (директори Киселев, бош инженери Тунин ўртоқлар) пахта териш машиналари паркининг 2,8 проценти, Чиноз МТСида (директори ўртоқ Мелихов) 5,6 проценти, Янгийўл районидаги 1-нчи МТСда (директори ўртоқ Мешков) 16,7 проценти, Пахта МТСида (директори ўртоқ Коломейцев) 16,2 процентга теримга тайёрланган, халос. Бу МТС раҳбарлари ҳанузгача ремонт ишларини кўнгилдагидек уюштирмаганлар, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш айрим МТС раҳбарларининг кўзбўямачилик йўлига ўтиб олганликларини ҳам кўрсатди. Чиноз МТС и бош инженерининг вазифасини бажаручи Шегай ва Оржоникидзе район МТС ининг бош инженери Лапшев ва бошқа ўртоқлар ремонт ишлари тўғрисида область бошқармасига нотўғри маълумотлар юборганлар.

Ҳозир ремонт ишларини тез ва сифатли бажариш учун барча шароит мавжуд. Машина-трактор станциялари пахта териш машиналарини қайта ускуналаш учун керак бўлган узел ва детальлар билан яхши таъмин этилмоқдалар.

ОДН ва кўрак чувиш машиналарини тайёрлаш иши ҳам ниҳоят даражада оркада қолмоқда. ОДНларнинг қарийб ярми ҳанузгача ремонтга қўйилмаган, МТСларда 500 дан ортиқ кўрак чувиш машиналари ремонтдан чиқарилмаган. Айниқса Мирзачўл, Верхне-волинск, Гулистон, Оҳангарон районларидаги 1-нчи ҳамда, Чиноз районидаги МТСда ва бошқа МТСларда бу соҳадаги иш жуда секин бормоқда.

Машина-трактор станциялари ходимларининг ҳозирги энг муҳим вазифаси — 20 сентябрьдан кечиктирмасдан барча машиналарни пахта теришга тайёрлаб қўйишдан иборатдир. Терим процессида турли техника камчиликлари сабабли машиналарнинг бузилиши ва бекор туриб қолишининг олдини олиш учун ремонтнинг сифатига катта эътибор бериш лозим.

Машина билан пахта теришга далаларни тайёрлаш айниқса зўр аҳамиятга эга. Аммо, қатор МТС ходимлари бу тадбирнинг моҳиятига тушиниб етмаганлар. Кўпгина МТСларда машина билан пахта териш учун майдон ажратиш ва биркитиш иши юзаки ўтказилди. Далаларни белгилаш вақтида кўпинча колхозларнинг ташкилий-хўжалик аҳволи ва ишчи кучлари билан қандай таъминланганликлари ҳисобга олинмаётир. Янгийўл, Бўка ва бошқа районларнинг айрим колхозларида эса бу иш бутунлай тамомланмаган.

Айрим партия ва совет ташкилотлари ҳам бу ишга етарли эътибор бермаётирлар. Айниқса Октябрь, Сирдарё, Гулистон районларида аҳвол ёмон.

МТСларнинг агрономлари колхоз раҳбарлари билан биргаликда машина билан териш учун ажратилган участкаларни теримга тайёрлаш ишини ҳам тузук олиб бормаётирлар. Шунингдек участкалар ёввойи ўтлардан тозаланмаган, ётиб қолган ғўзалар тикланмаётир.

Машина билан пахта теришни оммавий суратда бошлаб юбориш даври келмоқда. Далаларни ёввойи ўтлардан тозалаш, текислаш ва бошқа тайёргарлик ишларини тўла бажариш чозим.

Ғўза баргларини ўз вақтида тозалаб тўкдирилганидагина териш машиналаридан унумли фойдаланиш мумкин. Бу жуда муҳим масала. Бироқ баъзан ғўза барглари-ни тўкиш масаласи тўғрисида нотўғри мулоҳаза юритилаётир. Айрим колхозларнинг раҳбарлари ҳечқандай асосга эга бўлмаганлари ҳолда, ғўза барглари-ни тўкиш ҳосилни кўп миқдорда камайтиради, деб да'во қилмоқдалар.

Ҳолбуки, илмий-текшириш ишларининг хулосалари ҳамда илғор колхоз ва совхозлар тажрибаси бу агротехника тадбирининг афзаллигини исботлаб берган. Агар ғўза барглари ўсимликнинг биологик ҳолати ва кўсакларнинг етилиш даражаси ҳисобга олиб дориланса ҳосил ҳечқачон камаймайди. Юкоричирчиқ районидаги Сталин номли, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат», Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Победа», «Қизил Октябрь», Максим Горький номли, Гулистон районидаги Молотов номли колхозларнинг тажрибаси бунга энг яхши далил бўлаолади. Бу колхозлар ўтган йили ғўзани сентябрь ойининг иккинчи ўнкунлиги мобайнида дорилаб, пахтанинг очилишини тезлаштиришга ва пахта топшириш давлат планини муваффақиятли бажаришга эришдилар.

Ғўза барглари-ни дорилашни ғўзанинг биологик ҳолатини қатъий равишда ҳисобга олган ҳолда, я'ни ҳар туп ғўзада камида 2—3 тадан кўсак очилган пайтда ўтказиш зарур. Шу билан бирга бу тадбирнинг ўтказиш муддатини ҳар бир участка ва далачилик бригадасидаги ғўзаларнинг ҳолатига қараб ҳам алоҳида белгилаш лозим.

Йиғим-теримга яхши тайёргарлик кўриб, иш тўғри ташкил этилган тақдирдагина машина билан пахта теришда муваффақият қозониш мумкин. Шунинг учун ҳам терим олдидан ғўза барглари-ни тўкиш ва машина билан пахта териш ишларининг ҳажми ва муддатини тўғри белгилаш, механизаторлар меҳнатини тўғри ташкил этиш зарур.

Афсуски, кўпгина МТС лар ишни ташкил этиш планларини тузишга ҳалигача киришганлари йўқ. Улар ҳатто яқин кунларда нима иш қилишлари ҳақида аниқ тассаввурга ҳам эга эмаслар.

Йиғим-теримни тўғри ташкил қилиш, пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажаришга ва келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиб қўйиш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш имконини беради.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТС ходимлари ва колхоз правлениелари, мавжуд техникани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар қилишлари ва улардан унумли фойдаланишлари зарур.

А. ИБРОҲИМОВ.

Йиллик план 30 процент бажарилди

Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли», Максим Горький номли колхоз аъзолари пахта йиғим-теримида яхши натижаларга эришмоқдалар.

Максим Горький номли колхоз 2 сентябрьгача давлатга 67.314 килограмм пахта териб топширди. Колхознинг ўртоқ Қаршибой Ирисбеков бошлиқ бригадаси теримда ҳаммадан олдинда бормоқда. Бу бригаданинг аъзолари ҳозирданоқ давлатга йиллик планнинг 30 процентн миқдорида пахта етказиб бердилар.

Бригадада илғор теримчилар сафи кун сайин кўпайиб бормоқда. Т. Холдибоева, С. Бойқобилова, Г. Қорабекова ўртоқлар терим сур'атини тобора ошириш билан бирга ҳаркуни 160—170 килограммдан пахта тераётирлар. Илғор теримчи Темиргул Холдибоева мавсум бошлангандан бери 1523 килограмм, Гулсиной Қорабекова 1098, Сафаргул Байқобилова 1080 килограмм пахта тердилар. Буларнинг ҳарбири мавсумда ўнминг килограммдан пахта териш мажбуриятини олганлар.

Шунингдек, «Ленин йўли» колхозининг Р. Бердиқулова бошлиқ бригада аъзолари ҳосилни сра нобуд қилмай тез йиғиб-териб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бригаданинг Эргаш Умаров, Ўминиса Миралиева, Халима Қамбарова сингари ўнлаб теримчилари ўнмингчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳар куни 130—135 килограммдан отбор сорт пахта териб, юқори кўрсаткичларга эришаётирлар.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

Терим сур'ати тезлаштирилаётир

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг Асолат Маҳкамова бошчилигидаги бригада аъзолари бу йил 55 гектар ердаги ғўзани квадрат-уялаб ва тор қаторлаб ўстирдилар. Ғўза илғор агротехника асосида парвариш қилинди, натижада унинг кўсаклари анча эрта очилди. Ҳозир бу бригадада пахта терими оммавий равишда бошланди. Бригада аъзолари шу кунгача давлатга йиллик планнинг 10 процентн миқдорида пахта топширдилар.

Колхозчилар терим сур'атини ошириш учун ғайрат билан ишламоқдалар. 5—10—15 мингчилар ҳаракатига қўшилган Соатова, Дўсметова, Азимова, Ўтбосарова каби илғор теримчилар ҳар куни 120—135 килограммдан пахта териб, нормаларини 2—3 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Бригада аъзолари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб кун сайин кўп пахта териб топширмоқдалар. Улар Улуғ Октябрь байрами шарафига гектаридан 44 центнердан пахта йиғиб олиш, бунинг учун сентябрь ойи ичида йиллик планнинг камида 58 процентн миқдорида пахта топшириш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

П. ЭРТОЕВ.

Кўпмингчилар сафи ўсмоқда

Бригада табельчиси — тушгача терилган пахтани аниқлаш мақсадида ён дафтарини тарози устига қўйиб, рақамларни жамлайбошлади. У теримчи Йўлдошеванинг фамилияси тўғрисида ёзилган рақамларни ҳисоблади-да, нимагадир бошини қимирлатиб қўйди. Шу вақт Йўлдошева келиб елкасидаги қопни тарозига қўйди-да:

— Тортиб кўрингчи, — деди у ва яна бир қоп пахтасининг эгат ичида қолганини айтди. — Ҳар йили, — терилган пахтани ташчи одам белгиланарди — деб давом этди опа. — Теримга тушганимизга мана 5 кун бўлса-ю, ташчи кишини белгилаш ҳақида на бригадир ва на сиз ўйлаб кўрмаган бўлсангизлар-а...

Талаб ўринли бўлгани учун Самандаров индамай қолди ва шу вақтнинг ўзида у бригадир билан гаплашди. Тушки овқатдан кейин Рустамжон Ҳалилов теримчилар пахтасини хирмонга ташийдиган бўлиб тайинланди. Натижада териш сур'ати ошди.

Октябрь районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Холимбоева бошчилик қилаётган 12-нчи бригада аъзолари ҳозир 5—10—15 мингчилар ҳаракатига қўшилиб, терим сур'атини ошириб юбордилар. Бригаданинг 22 аъзоси 4 мингдан 15 минггача, 11 киши эса мавсумда 7—15 минг килограммгача пахта териш мажбуриятини олди. Ўртоқ Йўлдошева эса 15 минг килограмм пахта теришга сўз берди. У ҳар куни 150—160 килограммдан ошириб пахта тераётир.

Д. СОДИҚОВ.



Шомаҳмудовлар оиласининг почтаси

... Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари эди. Киевли эру-хотин Александра ва Николай Новиковлар ҳаракатдаги армияда хизмат қилардилар. Даҳшатли уруш жуда кўп қурбонлар талаб қилар, тиш-тирноғигача қуролланган душман шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қилиб, мамлакат ичкарисига тобора кўпроқ суқулиб кирарди. Ёш гўдаклар, кексалар тезлик билан мамлакат ичкарисига жўнатилаётган эди. Совет халқи учун энг оғир ана шу 1942 йилда Новиковлар оиласининг қувончи, ёш ота-онанинг кўз нури, жигарбанди, икки ёшли гўдак Зина ҳам эвакуация қилинди. Уларни совет кишилари, партия ва ҳукуматимиз шаҳар меҳри билан ардоқлаб, ўз қучоғи, ҳимояси, тарбиясига олди. Зиналар борган Кавказдаги шаҳар яна хавф остида қолди. Ота-онасидан жудо бўлган болаларни яна олисроққа кўчиришга тўғри келди. Шунда гўдакларни олиб кетаётган эшелонга фашист қузғунлари ёпиришди, душман бомбалари бирқанча срагуноҳсиз гўдакларни қонга беларди, ҳалок этди. Омон қолганлари тинимсиз хавф-хатар остида мамлакат ичкарисига юборилди... Александра Новикова ўз қизи Зинанинг тақдири ҳақида ана шундан бошқа нарса билмади. Унинг оналик қалби ёлғиз қизи Зина ҳаёт эканлигига ишончи ҳиссини асло тарк этмади. Ҳарбир янги воқиа, шахсий ҳаётида юз берадиган воқиаларни Зинанинг йўқлиги жуда-жуда билинар, шундай пайтларда унинг қаттиқ ҳумориси тутар, она чуқур хўрсиниб қўяр эди. Қайси она ўз фарзандини, унинг жовдираган кўзларини, илиқ нафасини, ширин-ширин сўзларини унутади дейсиз?! Урушдан кейинги йиллар бирин-кетин ўтиб борди. Аммо она ўз Зинасининг порлоқ образини асло унутмади. Мана шу йилнинг 24 август куни «Правда» газетасида СССР Олий Совети Президиумининг уруш вақтида халоқ бўлган жангчиларнинг 14 боласини олиб, тарбиялаган тошкентли темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри Акрамовалар-нинг юксак онглилигини қайд этиб, уларни «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотлаш ҳақидаги Фармони ҳамда шу аҳил, олижаноб оила ҳақидаги очерк босилиб чиқди. Александра Новикова бу хабарни, очеркни қувонч билан қарши олди. Шомаҳмудовлар оиласининг газетада босилиб чиққан суратга зўр ҳаяжон билан тикилди. У, Совет Ўзбекистонининг оддий кишилари кўрсатган юксак ватанпарварликдан гоят та'сирланган, уларнинг жасоратларига, болапарварликларига қойил қолган эди. Мана, унинг нигоҳи фотодаги Зина устида узоқ тўхтади. Унинг онгида ўз қизи Зина билан боғлиқ хотиралар тикланди. Очеркдан Зинанинг ёши ўз қизининг ёшига тенг эканлигини билди. Суратдаги Зинанинг қарашлари, кўзлари, лаблари, лўппидан келган юзи унга жуда қадрдон, таниш туюлди. Унинг қалбидаги оналик ҳисси жўшиб, меҳри товланиб кетди. У, йўқотган қизини топгандек бўлди. Эҳтимол қизи Зина шундир... Эҳтимол...

Александра дарҳол қоғоз, қалам олиб Тошкентга хат ёзди...

Шомаҳмудовлар оиласи почтальон қўлидаги даста-даста хатларни олар экан, Александра Новикованинг ташаккурномасини зўр ҳаяжон ва чексиз қувонч билан ўқиди. Хат ичидаги икки ёшли Зинанинг сурати, урушда ҳалок бўлган отанинг портрети қўлдан-қўлга ўтди. Киевли аёлнинг оналик муҳаббати, меҳри юрак туйғулари 22 кишилик Шомаҳмудовлар оиласининг ҳаммз а'золарига аён эди.

Бундай хатлар Шоаҳмад ота ва Баҳри хола оиласи адресига жуда кўплаб келабошлади.

Бепоён Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи турли миллат, турли ёш, турли касбдаги кишилар оддий совет кишиларини юксак мукофот билан муборакбод қилишар, уларга узоқ умр, соғ-саломатлик тилашар, болаларнинг бахтли саодатли бўлишларини чин қалбларидан истаётганликларини изҳор қилишар эди. Бу хат, телеграмма, адрес ва открыткаларнинг авторлари Баҳри ва Шоаҳмад оиласи билан яқиндан танишиш, уларнинг олий ҳимматларига тасанно айтиш, уларнинг кўнгилларини кўтариш мақсадида қисқа бўлсада, лекин сермазмун ташаккурномалар ижод этишганди, алангали саломлар, самимий тилаклар йўлланганди. Уларнинг кўпи ўз ҳаётлари, ишлари муваффақиятлари ҳақида ёзишарди. Новгород шаҳрининг Александр Невский кўчасида туручи И. Мерин Шоаҳмад ота оиласининг барча а'золарини юксак ҳукумат мукофоти билан табриклаб, уларни ўз уйига таклиф қилади: «Бизнинг шаҳримиз жуда қадимги, гўзал рус шаҳарларидан. Меҳмон бўлиб келинглар. Вокзалга чиқиб, қучоқ очиб кутиб оламиз». Табрикномаларнинг авторлари Шоаҳмад ота оиласининг бирор а'зоси билан танишишни, алоқа ўрнатишни, ёзишиб туришни жуда-жуда истаётганликларини изҳор қилишарди. Мана, Украинадан келган бир хат. Бу хатнинг автори Саня (Эргаш)га мурожаат қилиб, қуйидаги сўзларни ёзган: «Фақат а'ло ва яхши баҳолар билан ўқи. Доим эсингда бўлсинки, сен қилаётган ҳарбир иш сенинг ҳамшаҳарларингга, шунингдек, бутун совет халқига уларнинг бадавлат ва шод-хуррам яшашларига ёрдам беради. Ҳамшаҳаринг Андрей».

Хатлар билан бирга открыткалар, фотосуратлар, Шоаҳмадота оиласининг энг кичик а'золарига аталган китоб ва фильмоскоплар, турли ўйинчоқ ва қўғирчоқлар юборганлар. Бу адреслар совет кишилари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, интернационализм руҳи нақадар кенг илдиз отиб, улуғ ва қудратли кучга айланганлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Кишиневли кекса большевик, пенсионер И. Кальманзвичнинг табрикномасида қуйидаги оташин сўзларни ўқиймиз: «Мен кекса большевик сифатида Сиздек одамларнинг коммунистик жамият а'золарига хос ишлар қилаётган кўпларини кўраётганим билан бехад бахтиёрман. Ҳозир бизнинг улуғ доҳимиз ва ўқитучимиз Ленин ҳам ҳаёт бўлса эди, у қувонч билан Сизнинг қўлингизни қисар эди» Мана, бу хат эса Совет Армиясининг офицери И. Борисовдан келган. «Қимматли Шоаҳмад ва Баҳри!, —деб ёзади Борисов, — Сизларнинг бу ватанпарварликларингиз ҳақиқатдан ҳам катта қаҳрамонлик бўлиб, шахсан мени, мен билан бирга хизмат қилаётган ўртоқларимни қувонтириб ва ғурурлантириб юборди. Биз сиалар билан фахрланамиз. Сизларнинг юксак онгликларингиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси олиб бораётган ишларнинг натижасидир».

Совет Армиясининг оддий солдатларидан тортиб, офицерларигача жуда кўп кишилардан келаётган хат ва телеграммаларда ҳарбий хизматни сидқидилдан билан ўтаётган ватанпарварларнинг юрак сўзларини ўқиймиз. Озарбайжон ССРнинг Астара, Загатали шаҳарларидан ёзган Н. Шамеитдинов ва Ш. Шоалиевлар, Украина ССР да хизмат қилаётган бир группа авиатор жангчилар, Белоруссия ССРдан самимий солдатлик саломини йўллаган курсант С. Климов, Улуғ Ватан уруши инвалиди Кунишев каби Совет Армиясининг ўнлаб солдат ва офицерларидан ажойиб хатлар, самимий табрикномалар, сермазмун телеграммалар келган. Литва ССРдан келган хат ичида бир группа минометчиларнинг жанговар машғулотларини акс эттирувчи фото сурат бор. Бир оила фарзандларидек Ватан олдидаги бурчларини бажараётган бу минометчилар Шоаҳмад ота оиласига бахт, иқбол тилайдилар, халқ ва партияга янада садоқат билан хизмат қилажакларини та'кидлайдилар.

Арманистон ССРнинг Ленинакан шаҳридан мактуб юборган Бозор Рафиқов та'сирли ва ҳаяжонли гапларни айтган: «Шоаҳмад амаки ва Баҳри кеннойи. Биз Сизларнинг шу қадар бахтиёрлигингизни газетада ўқиб, кўп хурсанд бўлдик. Шахсан ўзим суратингиз чиққан газетани сақлаб юрибман. Раҳмат сизларга. Ўзим ҳам ота-онамдан жудо бўлиб, Сиздек болапарвар бир кишининг қўлида тарбия олган боламан. У киши ҳам худди Сизга ўхшаб мени тарбиялади, ўқитди, пешонамни силади, воягга етказди. Мен ҳозир Совет Армияси сафида Сиз каби олижаноб кишиларнинг ғамхўрликларига яраша Ватанга садоқат билан хизмат қилаётирман».

Болтиқ флоти мотрослари саломини юборган Т. Худойберганов ҳам 1942 йилда ота-онасидан ажралгандан сўнг совдил совет кишилари, Партия ва Ҳукумат ғамхўрликларининг ҳароратидан баҳраманд бўлиб келаётганини ҳикоя қилади.

Москва Давлат университетининг студентқаси Лена Сморгунова, Ворошиловграддаги ўқитучилар олий мактабининг студенти И. Гаврюк, Москва энергетика институтининг илмий ходими Л. Белкина сингари жуда кўп кишилар ўзларининг юрак туйғуларини, миннатдорчиликларини изҳор қилиб ажойиб хатлар юборганлар. «Оқ сочли бошимни Сизнинг улуғ қалбингиз олдида эгаман»,—деб мурожаат қилади Измаил шаҳарли А. Н. Коган, Киевли Я. Капустянский эса бундай дейди: «Сизларнинг порлоқ сиймоларингизда Максим Горький орзу қилган ва ўргатган нарсани кўрдим — Сизларда бой, кучли олижаноб ва гўзал қалбни кўрдим». Москвалаги қатиқ қотишмалар комбинатининг аёл ишчиларидан келган хатда бундай дейилади: «Биз она сифатида Сизларнинг олижаноб ишларингиздан кўп қувондик». Бу хатга 13 она қўл қўйган. Москвали эру-хотин Кочаровлар бундай деб ёзганлар.

«Сизларга 10 минг йилча бахти-саодатли ва самарали умр, болаларингизга шоҳхуррамлик тилаймиз. Раҳмат Сизларга, дўстларимиз. Сизларнинг олтин қалбларингиз етим болаларнинг кўнглини оташин муҳаббат билан иситгани учун Сизлардан миннатдормиз.» Шунингдек, Тошкент область матлубот советининг раиси Акрамов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри Хоназаров, Харьковли инженер Бронштейн, медицина ҳарбий хизматчиси Щербин юборган телеграмма ва хатларда ҳам ана шундай самимий, оташин сўзларни ўқиймиз. Пенза Леспромхозига қарашли ишчилар та'минот бўлими коллективи, Бухоро область соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари, бокули Клара Бобоева, молдаванка Майя Киш, тбилисили доцент Сенд Варнулиани, усть лабинскиаэли врачлардан Золина ва Ивановлар ҳам ўзларининг миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилганлар.

Бундай хатлар бепоён Ватанимизнинг Николаев, Одесса, Омск, Ульяновск, Чита, Псков, Воронеж, Куйбишев, Кронштадт, Калининград, Ленинград, Иванова, Брест, Бобруйск, Свердловск, Днепродзержинск каби турли шаҳарларидангина эмас, шу билан бирга халқ демократияси мамлакатларидан ҳам келмоқда.

Сарапул шаҳрида яшовчи врач Н. Лушниковдан сермазмун хат ва фото-суратлар келган. Физкультура билан доим шуғулланган бу бақувват чол дуйдаги сузларни ёзган: «Ёшим 70 дан ошди. Лекин ҳечқачон касал бўлган эмасман. Сизнинг ҳам дарҳасал билмай ўтишингизни истайман. Биз, эр-хотин, Сизларнинг олижаноблигингиздан гоят хурсанд бўлдик. Сизларнинг соғлиқларингиз учун қадаҳ кўтардик. Сарапул шаҳридаги врачларнинг ва менинг оиламнинг самимий саломларини қабул қилгайсиз».

Бундай илҳом билан ёзилган хат ва телеграммаларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг ҳаммасида совет кишиларининг улуғ дўстлиги ва биродарлиги, Шоаҳмудовлар оиласининг бахтли бўлишини чин кўнгилдан истаганликлари яққол акс этиб турипти.

Шоаҳмад ота билан Баҳри хола Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан умрбод шахсий пенсия тайинланиши бу катта оилага яна қувонч келтирди.

Шоаҳмад ота бу хат ва телеграммаларни кўздан кечирар экан қувонч билан шундай деди: «Совет кишиларининг менга бунчалик меҳрибончилик қилиши менинг кўнглимни тор қилиб юборди. Мен бутун умримни ана шу азиз болаларни Ватанимизга, партиямизга содиқ ўғил-қизлар қилиб тарбиялашга сарфлайман».

М. ЯҲ'ЕЕВ.

МТС ва совхоз ишчилари бадиий ҳаваскорлари кўриги

Тошкент областининг қишлоқларида ва район марказларида МТС ва совхоз ишчилари ҳамда хизматчилари бадиий ҳаваскорлиги кўриги тамом бўлди. Бу кўрикда юзта драма, хор, рақс ва бошқа ҳаваскорлик коллективларидан икки мингга яқин ижро этучилар қатнашди.

Кеча Свердлов номидаги концерт залида бўлган якунловчи концертда биринчи бўлиб терма хор чиқди. Унинг иккиюздан ортиқ қатнашчиси В. Мураделининг «Партия бизнинг етакчимиз» деган қўшиғини ижро этди. Тамошабинлар 1-нчи «Дальварзин» совхози хотин-қизлар группасини қизғин кутиб олдилар. Улар «Теримчи қиз» рақсини а'ло даражада ижро этдилар. Тошкент районидаги 2-нчи МТС, Сталин номли 17-нчи совхоз, қишлоқ хўжалигини механизациялаш Тошкент техникуми ҳаваскорлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Якунловчи концертда «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг музикачилари, раққослари, ашулачилари ва бадиий сўз усталари хилма-хил тамошалар кўрсатдилар. Бу ёш ҳаваскорлар коллективи қўшни колхозларда, шунингдек область машина-трактор станцияларида ҳамда совхозларида муваффақият билан концертлар қўйиб бермоқда. Кўрик жюриси эришган муваффақияти учун бу коллективга биринчи мукофот — пианино берди.

Бадиий ҳаваскорликнинг энг яхши қатнашчилари қимматли совғалар билан ҳамда қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи область комитетининг ёрлиқлари билан мукофотландилар. (ЎзТАГ).

Болалар кутубхонасида

Сирдар'ё район маданият уйи ҳузурида яхшилаб жиҳозланган ва 7500 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган болалар кутубхонаси ишлаб турибди. Унинг 400 га яқин доимий китобхонлари бор. А. Агапова, Е. Бочкарева, Р. Ҳуртаметов, Ю. Казадаев, С. Маметдинова, А. Нашменко каби ўнлаб ўқучилар кутубхонанинг актив китобхонлари ҳисобланадилар.

Кутубхона ходимлари ҳархил оммавий тадбирларни изчил амалга оширмоқдалар ва шу йўл билан ёш китобхонлар ўртасида китоб ўқишни пропаганда қилмоқдалар. Кутубхонада тез-тез адабий кечалар, китобхонлар конференциялари ва қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Масалан, «В. И. Ленининг ёшлиги», «Икки дунё — икки ёшлик» темасида ўтказилган эрталиклар, А. С. Пушкин, А. П. Чехов, М. Горький, В. В. Маяковский ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган адабий кечалар ва китобхонлар конференцияси қизғарли ўтди ва ўқучиларда катта таассурот қолдирди.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

„Ўзбекистон хотин-қизлари" журналининг янги сони

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи—ойда бир марта чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнал «Ўзбекистон хотин-қизлари»нинг сентябрь сони босилиб чиқди.

Журналнинг бу сони шоир Ғафур Ғуломнинг «Ўқинг, қизлар» сарлавҳали ше'ри билан бошланади. Бу сонда Эгам Раҳимнинг «Эл билан қадам ташлаб», М. Йўлатовнинг «Жасорат» сарлавҳали очерклари, Лозаннада бўлиб ўтган оналарнинг Жаҳон Конгресси қатнашчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Васила Содиқованинг «Қўлни-қўлга бериши», А. Иванченконинг «Орзу ушалганда», Н. Пушкарскаянинг «Биринчи юбилей» сарлавҳали зарисовкалари бор.

Журналда ёзувчи Комил Файзуллиннинг «Дар'ёдаги учрашув» сарлавҳали ҳикояси, С. Абдуқаҳҳорнинг «Ростонбувининг қони нега чимирилди?» сарлавҳали фельетони босилган.

«Сиз Чортоққа келдингиз» сарлавҳали фотоочеркда Чортоқ курортида даволанаётган меҳнаткашларнинг яхши дам олиши жуда қизиқарли қилиб тасвирланган. Шунингдек «Сўз чирчиқлиларга!» рубрикаси остида Чирчиқ корхоналаридаги янгиликлар ҳақида мақолалар босилган.

Шунингдек, журналда турли темаларда ше'рлар, оналарга маслаҳатлар, янги модалар ҳақида суратлар бор.

Журнал чиройли ва манзарали фото суратлар билан безатилган.





Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг илғор теримчиси М. Нурматова мавсумда 17 минг килограмм пахта териб бериш юзасидан ўз зиммасига оширилган юксак мажбурият олди. У, ҳар куни 150 килограммдан ошириб пахта тераётир. Суратда: 1. Ўртоқ **Нурматова.** 2. Бекобод районидаги 3-нчи «Дальварзин» пахтачилик совхозининг табельчиси **А. Қўлдошев Н. Хўжатова** терган пахтани қабул қилиб олмоқда.

М. Шевелев ва **А. Ким** фотолари.

Ҳиндистон олимлари совет Иттифоқида

Ҳиндистон олимлари СССР Фанлар академиясининг атом электростанциясини бориб кўрдилар

СССРга меҳмон бўлиб келган Ҳиндистон олимлари 11 сентябрь якшанба куни профессор Хоми Баба бошчилигида СССР Фанлар академиясининг атом электростанциясини бориб кўрдилар.

Меҳмонлар тўла составда электростанция жойлашган ерга келганларида, атрофтеваракдаги посёлкада яшовчи кўп кишилар уларни кутиб олдилар. Улар қарсак чалиб ва табрик сўзлари айтиб, улуғ ҳинд халқининг вакилларига самимий дўстлик туйғуларини изҳор қилдилар.

Хоми Баба, Б. С. Кришнан, Р. Раманна, Н. Б. Прасад, А. С. Рао ва Х. Н. Сетна ўзларини кутиб олган совет олимлари профессор Д. И. Блохинцев, станциянинг илмий ходимларидан И. Г. Морозов ва О. Д. Казачковский билан қўл қисишиб кўришадилар. Ҳиндистон олимлари атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишлаб Женевада ўтказилган халқаро илмий-техника конференциясида ана шу совет олимлари билан танишган эдилар. Улар электростанция бошлиғи Н. А. Николаев ва физика-математика фанлари доктори А. К. Красин билан ҳам танишдилар.

Станцияни кўриб чиқишдан олдин меҳмонларни Маданият уйига таклиф этдилар. Бу ерда совет атом электростанциясининг ишлари тўғрисидаги «Жаҳонда биринчи» деган оммабоп илмий фильм кўрсатилди.

Мана, делегация атом электростанциясининг қуёш нурига чўмган биноси ёнига келди. Бинонинг эшигига қоқилган тахтага шу сўзлар ёзилган:

«СССР Фанлар академияси
атом электростанцияси»

Группа бинога кириб келади. Группа, даставвал, марказий залда бўлади. Станциянинг юраги — атом реактори шу залда ўрнатилган.

Совет олимлари атом реакторининг тузилиши тўғрисида батафсил сўзлаб берадилар. Залнинг рўпарадаги бошқа томонида оқ чехолларга ўралган катта трубкасимон стерженлар кўзга ташланади.

— Бу, бизнинг ёқилғимиз — уран стерженлари, — дейди профессор Блохинцев.

Реактордаги ана шу жуда муҳим элементнинг тузилишини тушунтириб бериш учун бу элементнинг разрези ҳинд олимларига очиб кўрсатилди. Делегация аъзолари уран стерженларининг конструкцияси тўғрисида батафсил изоҳларни ўз блокнотларига ёзиб оладилар.

Шундан кейин, улар станциянинг бошқа бинолари билан ҳам танишиб чиқадилар, парогенераторларни, трубопроводларни, бошқариш пультларини кўрадилар. Меҳмонлар станцияда кенг миқёсда олиб борилаётган илмий, тажриба ишлари билан айниқса қизиқдилар. Улар ҳархил ядро физик процессларини ўрганиш учун хизмат қиладиган кўпгина физик асбобларни қараб чиқдилар. Меҳмонлар тажриба установкаси билан гоят жиддий танишиб чиқдилар.

Ҳиндистон олимлари кўздан кечирган физик асбоблар орасида нейтронларнинг жадал селектори бор. Бу асбоб нейтронлар спекторидан муайян тезликдаги нейтронларни ажратиш имконини беради (нейтронларни тезлигига қараб хиллаб беради). Шундан кейин, меҳмонлар бошқа бир оригинал асбобни — станция ходимлари конструкция қилган амплитуда анализаторини, шунингдек бошқа бирқанча физик асбобларни кўрдилар.

Ҳиндистон олимлари иккинчи бир бинода материалларнинг турли физик константларини ўрганиш соҳасидаги тажриба ишлари билан танишдилар.

Ҳиндистон олимлари станцияни кўриб чиққанларидан кейин, совет олимлари ва инженерлари билан бирга коттеджга томон йўл олдилар. Бу ерда очиқ айвонда зиёфат берилди.

Профессор Хоми Баба зиёфатда сўзлаган қисқача нутқида Ҳиндистон олимлари СССР Фанлар академиясининг атом электростанциясида ўтказган гўзал ва гоят ибратли кун учун ташаккур изҳор қилди. У, атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш юзасидан Женевада ўтказилган халқаро илмий-техника конференциясида қатнашган совет делегатлари билан яна кўришганлигидан хурсанд эканлигини ҳам айтди.

Хоми Баба азиз меҳмонлар ўз фикрини ёзиб қолдирадиган дафтарга шу сўзларни ёзди:

— Бу — биз ўтказган энг мароқли кунларнинг биридир. Биз, дун'ёнинг истиқболи учун жуда кўп самара берадиган бу станцияни кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиш билан бахтиёрмиз. (ТАСС).

ХИТОЙДА ЧАНКАЙШИЧИ ЖОСУСЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ПЕКИН, 10 сентябрь. (ТАСС). «Людажэньминьжибао» газетаси қуйидагиларни билдиради: Порт-Артур ва Дальний шаҳарлари жамоат хавфсизлиги органлари бундан бирқанча вақт илгари америкачанкайшичиларнинг 3 разведкачисини қамоққа олган эди.

Терговда маълум бўлишича, қамоққа олинган Го Цзин-фу ва Ван Да ўтмишда япон полиция муассасаларида актив иш олиб борганлар. Хитойда япон империализми тор-мор келтирилганидан кейин улар чанкайшичилар жандармериясининг жазо отрядларида ишлайбошлаганлар. Мамлакат озод қилинганидан кейин, ана шу жосуслар чанкайшичилар разведкасининг Хитойда қолдирилган резидентлари билан алоқани давом эттириб, Порт-Артур ва Дальний районидаги мудофаа иншоотлари тўғрисида, ҳарбий қисмларнинг жойланиши ҳақида махфий маълумотлар тўплаганлар, коммуникация линияларининг батафсил хариталарини тузганлар, ана шу районнинг транспорт воситалари тўғрисида маълумот тўпланганлар. Америка-чанкайшичилар агенти Синь Цзу-цзи Порт-Артурдаги мудофаа иншоотларини фотосуратга олиш тўғрисида, шунингдек ана шу соҳларда жойлашган совет ҳарбий денгиз флотининг миқдори тўғрисида маълумот йиғиш ҳақида америка разведка марказларининг биридан топшириқ олган.

Чанкайшичи жосусларнинг иши яқинда халқ судида кўрилади.

Уругвай металлургларининг забастовкаси

МОНТЕВИДЕО, 10 сентябрь. (ТАСС). «Ферросмальт» металлургия заводининг 65 кундан бўён иш ташлаган ишчиларига бирдамлик билдириш юзасидан кеча Уругвай металлургларининг умумий забастовкаси бошланди. Забастовка номуайян вақтгача эълон қилинди.

БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 10 сентябрь. (ТАСС). 9 сентябрьда БМТ қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бу мажлисда АҚШ вакили Г. Стассен раислик қилди.

Кичик комитетнинг мажлисидан кейин Совет Иттифоқининг вакили А. А. Соболев мухбирларнинг саволларига жавоб қайтариб, бундай деди: «Совет делегацияси Кичик комитетнинг бугунги мажлисида совет делегацияси томонидан 1 сентябрьдаги мажлисда қўйилган масалаларга америка делегациясининг жавоб беришини ҳали ҳам кутиб турибди, деб кўрсатди. Маълумки, бу масалалар беш буюк давлатнинг ва бошқа давлатларнинг қуролли кучлари қандай даражагача камайтирилишига ва қуролсизланишнинг умумий программаси доирасида атом қуролини тўла тақиқлашнинг кучга кириш вақтига, атом қуролини синаб кўришни тўхтатишга, шунингдек атом ва водород қуролини тўла тақиқлаш тўғрисидаги битим кучга киргунига қадар давлатларнинг ядро қуролини қўлланмаслик мажбуриятларини олишга тааллуқли эди.

Стассен жанобларининг АҚШ Кичик комитетга бундан илгари киритилган барча таклифлар юзасидан АҚШ ўз позициясини кейинчалик маълум қилади, деган баёноти АҚШнинг Совет Иттифоқи томонидан 10 майда қўйилган таклифларга қандай қараётганлиги тўғрисида аниқ тасаввур олишга имкон бермайди. Маълумки, ана шу таклифларда қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлашнинг батафсил программаси баён қилинган».

А. А. Соболев айтдики, совет делегацияси президент Эйзенхауэрнинг қуролли кучлар тўғрисидаги ахборотни айирбошлаш ҳақидаги таклифи одатдаги қурол-яроғларга доир маълумотларни ҳам, атом ва водород қуролига доир маълумотларни ҳам ўз ичига оладими, деган масалани ҳам америка делегацияси олдига қўйган эди.

Кичик комитетнинг навбатдаги мажлиси 13 сентябрь, сешанба куни бўлади.

ДАНИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

10 сентябрьда Дания қишлоқ хўжалик делегацияси Москвага келди. Делегацияга қишлоқ хўжалик министри И. Смерум бошчилик қилади. Делегация составида 16 киши — мамлакат қишлоқ хўжалигининг раҳбар ходимлари, фермерлар бор.

Ленинград вокзалида уларни СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари А. И. Бовин ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг маъ'сул ходимлари кутиб олдилар. Делегацияни Данияниинг СССРдаги Фавқулодда вакили ва Мухтор министри А. Мерк ва элчихона ходимлари кутиб олдилар.

А. И. Бовин меҳмонларни ва улар орқали бутун Дания халқини самимий табриклади.

Делегация бошлиғи, Дания қишлоқ хўжалик министри И. Смерум делегация самимий кутиб олинганлиги учун ўз номидан ва делегациянинг ҳамма аъзолари номидан самимий ташаккур билдирди. «Бизларнинг ҳаммамиз, — деди у, — Совет Иттифоқига биринчи марта келдик ва бу сафар биз учун катта қувончдир».

Шу куни СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари П. С. Кучумов Дания қишлоқ хўжалик делегациясини қабул қилди. (ТАСС).

СОВЕТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИ КАНАДАДАН ЎЗ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ОТТАВА, 11 сентябрь. (ТАСС). Канадада икки ҳафта меҳмон бўлган совет қишлоқ хўжалик делегацияси кеча Оттавадан ватанига самолётда учиб кетди. Делегация Нью-Йорк, Париж ва Прага орқали ўтади.

Аэродромда делегацияни Совет Иттифоқининг Канададаги элчиси Д. С. Чувахин ва Оттавадаги совет элчихонасининг ходимлари кузатиб қолдилар.

БЕЛГРАДДА СЛАВЯНШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛАДИ

БЕЛГРАД, 10 сентябрь. (ТАСС). «Политика» газетаси билдиради: 15 — 21 сентябрьда Белградда Сербия Фанлар академияси биносида славяншуносларнинг халқаро конференцияси бўлади. Бу конференция турли мамлакатлардаги славяншунослар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ва тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида Белград, Загреб, Любляна, Скопле, Сараево ва Нови-Сад философия факультетлари славяншунослик кафедраларининг ташаббуси билан чақирилди.

Газетанинг ёзишича, 17 мамлакатнинг олимлари, шу жумладан Совет Иттифоқи, Франция, Чехословакия, Ғарбий Германия, Болгария, Польша, Швеция, Италия, АҚШ, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг олимлари конференцияда қатнашишга рози эканликларини билдирганлар.

Конференцияда барча делегацияларнинг вакиллари славяншунослик соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида доклад қиладилар. Ташкилий масалаларга, чунончи, славяншуносларнинг с'ездини чақириш, славяншунослик юзасидан библиографиялар тайёрлаш, турли мамлакат олимларининг бир-бирларига бориб туришлари, ёш славяншуносларга ёрдам бериш ва шу сингари масалаларга алоҳида эътибор қилинади.

Чет мамлакатларнинг олимлари Югославияда бўлган вақтларида мамлакатдаги илмий ва маданий муассасаларга борадилар.

ИТАЛИЯДА АМЕРИКА ҚЎШИНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИГА ДОИР

ПАРИЖ, 11 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Қуролли кучларнинг янги гуруҳи тузилди. Шимолий атлантик иттифоқининг Европадаги қуролли кучлари қўмондонига бўйсундириладиган бу гуруҳ Шимолий Италияда жойлаштирилади ва унинг составида 5 минга яқин солдат бўлади. Бу солдатлар асосан Австриядан олиб кетилган Америка қуролли кучларидан иборат бўлади.

Бу гуруҳ «Шимолий атлантик иттифоқининг Европанинг жанубий зонасидаги оператив қуролли кучлари» деб аталади.

Четэл делегациялари Ўзбекистонда

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Миср журналистлари делегациясининг 11 сентябрьда Тошкентга келди. Делегация составида Мисрдаги бирқанча энг йирик газета ва журналларнинг редакторлари ва ходимлари — «Ал-Ахром» газетасининг бош редактори Азиз Мирза, «Ахбарил-Яум» нашриёти эгасининг шериги ва бош редактори Али Амин, «Ал-Жумҳурия» газетасининг ходимларидан Муҳаммадил Батути ва Форуқил Кад, «Розаил Юсуф» ҳафталик газетасининг бош редактор ўринбосари Аҳмад Баҳоиддин, «Дарал Ҳилол» нашриётининг ходими Инжи Рушди ва Миллий раҳбарлик министрлиги ҳузуридаги информация департаментининг вакили Муҳаммад Ҳаққийлар бор.

Аэродромда Миср журналистларини Ўзбекистон телеграф агентлигининг маъ'сул раҳбари Р. С. Саҳибоев, «Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник, «Қизил Ўзбекистон» редколлегиясининг аъзоси Н. Ғ. Ғуломов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори З. И. Есенбоев, Чет эллар билан маданий алоқа қилуви Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги радиоинформация бош бошқармасининг бошлиғи Р. Н. Нажимов, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрининг ёрдамчиси Р. К. Шоне'матов, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг редактори шоира Зулфия ва республика газеталари ҳамда журналларининг бошқа вакиллари кутиб олдилар.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг маъ'сул раҳбари Р. С. Саҳибоев Миср журналистларини самимий табриклади. Делегация бошлиғи вазифасини ижро этучи Али Амин жаноблари жавоб нутқи сўзлади. У самимий кутиб олганликлари учун ташаккур билдирди ва делегациянинг Ўзбекистонга келиши Совет Иттифоқи ва Миср халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деди.

Миср журналистлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишадилар, республикадаги корхона, колхоз ва маданий-оқартув муассасаларида бўладилар.

* * *

12 сентябрьда Ҳиндистон табиий ресурслар ва илмий тадқиқотлар министри К. Д. Малавия бошчилигидаги ҳинд мутахассислари делегацияси Тошкентга келди.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда рангли металлургиянинг ривожланиши билан танишадилар.

* * *

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган Миср врачлари делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун бўлди.

Мисрли врачлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан, республикадаги медицина муассасаларининг иш тажрибалари билан танишдилар. Улар Молотов номли Тошкент медицина институтида мутахассис кадрлар тайёрлаш системаси билан, шунингдек клиникаларнинг ишлари билан, қизиқдилар. Сталин номли тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария қисмида ишчилар ҳамда хизматчиларга қай тарзда медицина ёрдами кўрсатилаётганлигини ўргандилар. Делегация Самарқандга бориб, тарихий ёдгорликларни кўрди. Делегация Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг бошлиғи муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон билан учрашди. Мисрли врачлар Янгийўл районидаги Свердлов номли пахтакор колхозида ҳам бўлдилар.

Делегация аъзолари Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистонда бўлган вақтларида олган таассуротларини ЎзТАГ мухбирига айтиб бердилар.

Қоҳирали рентгенолог доктор Фауд Муҳиддин медицина институтида бўлганлиги ҳақида гапириб, қуйидагиларни айтди:

— Совет врачларининг меҳнат шароити менда кучли таассурот қолдирди. Мен рентген клиникасида энг янги аппаратларни кўрдим. Бундай аппаратларни Европа клиникаларида ҳеч учратмаган эдим. Клиникалар яхши ускуналанган бўлиб, уларда кўп ўрин бор. Кўпгина малакали врачлар ва медицина ҳамшираларининг даволаш ишлари билан шуғулланаётганлиги эътиборни жалб этади. Совет Иттифоқида кишиларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилинаётганлиги кўринib турибди.

Делегация бошлиғи — Миср соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Хафиз Амин бундай деди:

— Биз, шарқ мамлакатининг вакиллари ўзбек халқининг қандай яшаётганлигини билиш учун гоят қизиқдик. Ўзбек халқи озодликка эришганидан буён ўтган йиллар ичида гоят тараққий этганлиги яққол кўриниб турибди. Биз, мутахассис-медиклар сифатида республикада медицина хизмати жуда яхши уюштирилганлигини хурсандчилик билан қайд қиламиз.

Хафиз Амин сўзининг охирида бундай деди:

— Биз Ўзбекистоннинг ҳамма қисмида совет кишиларининг Миср халқига нисбатан самимий муҳаббатини кўрдик. Делегация самимий кутиб олинганлигидан ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

12 сентябрьда Миср врачлари делегацияси Москвага учиб кетди.

* * *

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Корея Халқ-Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимлари делегацияси Тошкентга келди. Меҳнат партиясининг Жанубий Ханхэ вилоят комитети раиси Ким Чан Ман делегацияга бошчилик қилади.

Аэродромда делегацияни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосарлари Р. С. Эгамбердиев ва М. И. Кичанов, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.


Корея Халқ-Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик ходимлари Ўзбекистондаги колхозлар, машина-трактор станцияларни ва қишлоқ хўжалик илмий-текшириш муассасаларида бўладилар, республика меҳнаткашларининг халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари билан танишадилар.

* * *

СССР кенг истеъмол товарлари саноати ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон тўқимачилари касаба союзи делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Делегация составида Ҳиндистон касаба союзлари Миллий конгрессининг ва Ҳиндистон тўқимачилари Миллий федерациясининг раиси Ж. Д. Амбекар, Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси ижроия комитетининг аъзоси К. Романи, Ҳиндистон касаба союзлари Миллий конгресси раисининг ўринбосари Р. Варма, «Ҳинд Маздур Сабха» касаба союз бирлашмаси бош кенгашининг аъзоси Х. К. Совани, шу союзнинг иш олиб боручи комитети аъзоси В. Мехротра, Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси бош кенгашининг аъзоси Р. К. Бхогале, Канпур шаҳридаги тўқимачи ишчилар касаба союзининг бош секретари А. Арора, Мадур шаҳридаги тўқимачилар касаба союзининг бош секретари В. Кармеганлар бор.

Делегация суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида, Янгийўл пахта заводида бўлди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Делегация аъзолари Тошкент тўқимачилик комбинатини ва ундаги маданий-маиший муассасаларни узоқ вақт тамоша қилдилар. Меҳмонлар тўқимачилар Маданият саройида бадиий ҳаваскорлик коллективининг концертида ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

СПОРТ



„Ўзбекистон физкультурачиси" газетасининг мукофоти учун

11 сентябрь куни Тошкентда «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг мукофоти учун иккинчи традицион комбинацияли эстафета мусобақаси ўтказилди.

Ҳархил спорт жамиятларидан келган 300 дан ортиқ енгил атлетикачи сузучи, велосипедчи ва мотоциклчилар 18 километр 700 метр узоқликдаги масофани босиб ўтдилар.

Биринчи бўлиб эстафета маррази — «Динамо» стадионига «Буревестник» жамиятининг вакили Р. Турпишче етиб келди. «Буревестник» командаси 50 минут 54,6 секунд вақтга эга бўлиб, биринчи ўринни эгаллади.

Ўтган йилги эстафетанинг ғолиби «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг спортчилари 50 минут 55 секундга эга бўлиб, иккинчи ўринни, спартакчилар учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақада ғолиб чиққан команда ва қатнашчиларга тантанали суратда кўчма мукофот ва дипломлар топширилди.

Суратда: Пушкин кўчасидаги контроль пунктда эстафетанинг берилиш пайти.

Н. МЕЛАМЕД чизган расм.

Товар экспертиза бюроси

Тошкент шаҳаридаги магазинларга ҳар куни кўпминглаб харидорлар кириб чиқадилар. Улардан баъзи бирлари ўзлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқалари жўстюм учун отрез ва яна бирлари мебель ёки холодильник, радиоприёмник сотиб оладилар. Ҳарбир харидор кўнгли истаган товар ёки буюмни харид қилар экан, у мазкур товар ёки буюмнинг энг юқори сифатли, ҳеч қандай камчиликсиз ва брак бўлмаслигини ҳақли равишда талаб этади.

Товар сифати қандай қилиб тўғри аниқланилади? Ҳарбир харидорнинг бу сўроққа конкрет ва аниқ жавоб олишида «Товар экспертиза бюроси» деб аталучи махсус ташкилот унга дарҳол ёрдамга келади.

Мана, товар экспертиза бюроси бошлиғининг столи устида телефон турибди. Ҳозир бюро бошлиғи ўртоқ Бобков Марказий универмат директори ўртоқ А'замов билан телефон орқали сўзлашмоқда.

— Экспертизангизни юборишингизни сўраймиз, — деган товуш эшитилмоқда, — бизда олинган товар сифатини баҳолашда икки ўртада мунозара вужудга келди. Ким билан дейсизми?.. Ҳа, поставщик билан.. Ҳозир биз сизга махсус заявка йўллаймиз.

Ўртоқ Бобков бир соатдан сўнг Тошкент Марказий универмагидан юборилган заявкани олди. Заявкада магазинда сотиш учун келтирилган янги тикилган буюмларни экспертизадан ўтказиш сўралган эди. Бюро бошлиғи шу ондаёқ махсус экспертни ўз ҳузурига чақиртириб, уни мунозара рўй берган жойга жўнатди.

Ҳамма ган шундаки, заявка олингач узоқ вақт кутиб туриш мумкин эмас! Чунки экспертизани ўтказиш ва бу ҳақда батафсил акт тузиш учун жуда оз вақт ажратилади. Масалан, агар тезда бузиладиган товарлар экспертиза қилинадиган бўлса, тайёр акт борйўғи 24 соат ичидаёқ бюро бошлиғининг столи устида туриши лозим. Шунингдек, товарларнинг бошқа турлари бўйича ўтказиладиган экспертиза учун ҳам 72 соатлик муддат талаб этилади. Бу заявка етиб келгач, дарҳол ишга киришиш мажбуриятини юклайди.

Экспертлар жанжалли товарларни чуқур ва ҳартомонлама анализ қиладилар. Улар камчилик аниқланган тақдирда, товарларни бутунлай браккка чиқариш ва сортини пасайтириш ҳуқуқига эгадир. Бунинг учун товарнинг нав'и ва турини, комплектини, сорти ва ҳолатини, унинг сифатини ва амалдаги стандартларга техник, шарт ва белгиланган намуналарга мос келиш-келмаслигини аниқлашга тўғри келади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлабчиқариш ва фасовкалаш корхоналарида экспертиза ўтказилмаётган вақтда фақат товорнинг ўзигина эмас, шу билан бирга, тара, упаковка қилинган материаллар, инвентарьлар ва асбоб-ускуналарнинг сифати ҳам пухта текширилиб турилади.

Эксперт жуда сезгир ва ўткир кўзли бўлиши лозим. Баъзан жостриольдаги, ҳатто қаттиқ талабчан харидор ҳам пайқаймайдиган, брок ўй ишлари билан шуғулланучи аёл ўз бармоқларини ярадор қилиши мумкин бўлган ғадир-будирларни кўриши керак бўлади. Бу жиҳатдан ҳарқандай экспертнинг иши гоят нозиклиги жиҳатидан терговчининг ишига тенглашади. Масалан, эксперт у ёки бу озиқ-овқат маҳсулотларининг қайси бир заводники эканлигини ёки ишим-жечак қайси фабрикада, ҳатто қайси сменада, кундузими ёки кечасими тикилганлигини аниқлайди.

Товар намоқоб ичида. Брок намоқобнинг ва ундаги озиқ-овқат маҳсулотининг аҳволи қандай?

Этикетка (товарнинг устига ёпиштириладиган ёрлиқда банкадаги озиқ-овқатнинг миқдори кўрсатилган. Аммо у ҳақиқатан ҳам фабрика расфасовка (маълум миқдорда тортиб ўраб қўйиш)сида қайд этилган миқдордами ёки йўқми?

Бу саволларга савдо эксперти жавоб бериши керак.

Товар экспертизаси бюросининг мутахассислари тез-тез область районларига чиқиб турадилар. Улар ўзлари борган жойларида ва Тошкентда минглаб актлар тузадилар. Экспертиза қилинган товарларнинг нархи бирнеча ўн миллион сўмни, шундан паст сортга ўтказилган товарларнинг нархи ҳам миллионларча сўмни ташкил этади. Бу экспертларнинг товарларни қаттиқ контроль қилаётганликларидан дарак беради. Экспертиза бюроси составида озиқ-овқат ва атторлик товарлари, автомашиналар, парфюмер-косметика, тикув ва бошқа буюмлар бўйича 10 дан ортиқ мутахассис ишлайди.

А. РЯБЦЕВ.

Шаҳар биринчилиги учун шахмат-шашка мусобақалари

Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида шахмат ва шашка бўйича ярим финал мусобақалари бошланди.

Шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида шаҳар биринчилиги учун бошланган иккинчи ярим финал мусобақаларининг учинчи турида сўнг Лбова («Динамо») уч очко билан, Бурова икки очко билан олдинда бормоқдалар.

Шашка бўйича эркаклар ўртасидаги иккинчи ярим финал ўйинларига 14 та шашкачи иштирок этаётир.

Мусобақа қатнашчилари орасида 3 та мастерликка кандидат, 5 та биринчи разрядли ва 6 та иккинчи разрядли спортчи бор.

Шашка мусобақаларининг учинчи туридан сўнг мастерликка кандидат И. Берштейн, Мурадянц ва Харломовлар олдинда бормоқдалар.

С. БОҚИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 13/IX да **Алишер Навоий**, 14/IX да **Шамсиқамар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IX да Травиата, 14/IX да **Эсмеральда**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» кундуз ва кечқурун) — янги чехословак бадиий фильм **Энг яхши одам**.

НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 дан кеч соат 6—45 минутгача, янги венгер бадиий фильми **Мен ва бобом**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Дунай фарзанди**.

«ИСКРА» — 3-нчи залда кундуз соат 4 — 20 минутда **Душманлар ва дўстлар**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 яримда **Лимеривна**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 6 дан **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», КИРОВ номли — **Энг яхши одам**.

«ХИВА», ТЕЛЬМАН номли — **Мен ва бобом**.

«УДАРНИК» — **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва санъат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 06783. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1605.